Тўлиқроқ анализ қилиш учун назорат ва диагностика жараёнларини детерминант этилмаган моделини куриш лозим, яни у тизимнинг ишлашини статик тавсифлари ва моделлаштириш усулларидан фойдаланишга асосланаб тўлиқроқ баҳолашни ўтказишга ёрдамлашади.

Юкорида қайд этилгандарни ҳисобга олган ҳолда тизимнинг бузилишга барқарорлик структурасини кириш алгоритмини тавсия этиш мумкин [2,9].

1. Носозликларни топилиш сонига қараб, ҳар хил турдаги ўзаро назорат структураларини уланишлари сонига қараб танлаб олиш ва баҳолаш.

2. Ушбу турдаги алгоритм структураларини носозликларни қидириш учун кўплаб мумкин бўлган вакт ва аппарат харжларини танлаш ва баҳолаш.

3. Носозликларни қидириш учун танланган алгоритмга кўра тизим элементини тикланиш вақтини баҳолаш.

4. Тизимнинг бузилишга барқарорлигини таъминловчи харжларни минималлаштирувчи тикланиш ва қидириш алгоритмини куриш усулини танлаш.

5. Агар структуранинг барча варианtlари кўриб чиқилмаган бўлса, 1-қадамга кайтинг, бунда носоз элементлар сонини ёки тизимнинг тўсатдан бузилишлар сонини ўзгартиринг.

6. Ўзаро назорат структурасига тузатишлар киритиши ёки тизимни тикланишига кетадиган ҳаражатларни камайтириш учун олинган структурани модификация килиш керак.

Диагностика талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўзаро назорат структураларини кўплаб турларини куриш мумкин. Улар диагностика қилиш алгоритмларидан фойдаланиш имкониятлари, ҳамда боғланишларни ташкил этиш қийинчиликлари билан фарқланади.

Диагностика қилиш жараёнида олинган назорат натижалари, ўзаро назорат структурасини сезиларли даражада соддалаштириши мумкин. Бунинг учун бузилган элементларни катта қисмини бартараф этишта муваффақ бўлиш керак. Ёки бузилган қисмларни топиш (авария ҳолларида) мақсадида боғланишлар сонининг кенгайишига олиб келиши мумкин.


Шу сабабли тизим структурасини тезлик билан кайта куриш масаласи келиб чиқади. Бузилишларни юқори даражасини билган ҳолда, бутун тизим элементларини ёки элементлар групхини носозлигини бартараф этувчи ЎҚНВни куриш мумкин.

Тизимларни баҳолашда ЎҚНВ ларни куришнинг аналитик усулидан фойдаланган маъкул, чунки бу усул ЎҚНВ ларни кам хотира кетадиган ва оддий алгоритмлар ёрдамида кам вақт кетадиган варианtlарини олиш имкониятини беради. Шундай усуллардан бирини кўриб чиқамиз.

S тизим D_{δ,t}-структураси орқали ифодаланади, агар назорат уланиши V_i элементдан V_j элементтагача шундай ҳолларда амалга ошириладиган бўлса,

$$j-i=\delta_m \pmod n, m=1,2,\dots,t \quad (1.5.1)$$

Тизимда D_{δ,t} структура ўзаро сонларнинг соддалик шартини бажарса ва δ ҳамда t, n=VI тикланишсиз диагностика қилиш t-ДС бўлса. Бундан келиб чиқадики, берилган элементлар сонларининг қийматлари учун ЎҚНВ кўплаб мавжуд, бу эса t-ДС шартларини қониктиради.



1-расм. Тикланишсиз структура куришнинг алгоритмлари(а) ва Евклид(б)

Тенглама (1.5.1) дан келиб чиққан ҳолда, ўзаро назоратни олиш мумкин бўлган барча δ ва n оддий сонларини ҳисоблаб чиқишимиз мумкин. Барча графлар $G=G(V,E)$ учун қатъий белгиланган ўзаро оддий сонлар δ ва n ўзаро изоморфик бўлади. Граф чўққилари аро бир хил тенгликлар мавжуд, уларда жанжалли тенгликлар сакланадиган чўққилар кўплити V сакланади. Кўплаб мумкин бўлган ЎҚНВ структурасини танлашда энг арzon нархдагиси ва эффективлик кўрсаткичлари энг юкориси олинади. (1.5.1) тенгламага мувофиқ тикланишсиз

ҮКНВни т диагностика қилиш алгоритмини олиш қүйидагида бўлади:

1. δ ни 0 га teng қийматини қабул қилиш.

2. $\delta=\delta+1$ ни ҳисоблаш.

3. Агар $\delta=p$ бўлса, иш тутатилади. Барча структуралар кўриб чикилган. Агар $\delta < p$ бўлса, унда кейинги қадамга ўтилсин.

4. δ ва p ни энг катта умумий бўлиниш сони топилсин.

5. Агар умумий катта бўлувчи «1» дан катта бўлса, унда иккинчи қадамга ўтилсин. Акс ҳолда кейинги қадамга ўтилади.

6. δ , t ва p берилган қийматларни қониктирувчи ўзаро назорат структурасини ҳисобланг ва беринг.

7. Иккинчи қадамга ўтинг. 4-қадам бажарилиши мумкин, мисол учун, Евклид алгоритмидан фойдаланилса. Алгоритмнинг б-қадами эса- δ , t ва p берилишда рухсат этилган уланишлар сони ошиб кетганда ишлайди.

1-а расмда тавсия этилган алгоритмнинг умумий кўриниши берилган, 1-б расмда эса уни татбиқ этилиши кўрсатилган. 4-қадам учун Евклид алгоритми ва б-қадам учун структура курилиши мос келади. Бунда δ ва p учун энг катта умумий бўлувчи d орқали белтиланган, $c=g(A/B)$ А ни В га бўлишдан колган қолдик.

Кўп ҳолларда чекланган сонли уланиши ҮКНВ куриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тизимни лойиҳалашда ва диагностика натижаларига кўра уни қайта куриш ва ишлаш жараёнини тиклаш алгоритмининг соддалиги ҮКНВ куришнинг тезкорлигини таъминлайди. Бир қатор ҳолларда чекланган сонли уланишли ҮКНВ куриш мақсадга мувофиқ бўлади.


V таркибига кирувчи $v_1, v_2, \dots, v_n \subset V$ элементлардан ташкил топган d_j^+ орқали чиқадиган энг кўп уланишлар сони бўлса, у ҳолда ҮКНВ ни бошланғич ҳолати

$$d_{\max}^+ = \max_{j=1, \dots, n} d_j^+ \text{ ва } d_{\min}^+ = \min_{j=1, \dots, n} d_j^+ \quad (1.5.2)$$

бўлади ва қолган элементларо уланишлар билан тўлдирилади. t - диагностикали тикланувчи УҚНВни қуришда ҳалқа структурасидан фойдаланиш кулади. Улар учун t -диагностика килиш куйидаги кўринишга эга бўлади.

$$n \geq 1 + (m+1)^2 + \lambda(m+1),$$

бу ерда m -бутун сон; $t=2m+\lambda$ ва λ лар 0 ва 1 қийматларни қабул қиласди.



2-расм. Тикланадиган структурали алгоритмнинг курилиши.

п қийматлари учун энг кўп t ни куйидагича аниқлаш мумкин. $m=1,2,\dots$ қийматларни ажратиб биринчиси топилади,

у(1.5.2) даги тенгламани $\lambda=0.1$ бўлган ҳолатда қаноатлантиради. т ни топилган қиймати тизим учун берилганларнинг энг ками билан таққосланади. Агар тикланувчи тни диагностика қилиш $t < t_{\max}$ ни қаноатлантирмаса, унда уни куйидаги даражада ҳалқали янги уланишлар билан тўлдирамиз. $2t-1$ уланишлардан кам бўлмаган элементларини танлаймиз ва ундаги $2t-2$ элементлар билан уланишлар ташкил этамиз. Тикланувчи алгоритм структурасини кўриш юқоридаги 2-расмда кўрсатилган.

Синов саволлари ва топшириклар.

1. «Бузилишга барқарорлик» тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Ҳисоблаш тизимларининг элементларини бузилишга барқарорлигини оширишнинг қандай йўллари мавжуд?
3. Бузилишга барқарорликни таъминлаш воситаларини лойиҳалаш жараёнининг асосий масалаларини аникланг.
4. Бузилишга барқарорликни таъминлаш воситаларига (ББТВ) қандай вазифалар юкланди?
5. ББТВ ларни куриш учун керакли ахборотлар қандай олинади?
6. 4 К сўз хотирали процессорнинг бузилишгача бўлган ўртacha ишлаши қандай?
7. Мини ЭХМ ни бузилишгача бўлган ўртacha ишлашини баҳоланг. (3-жадвалга қаранг).
8. ББХТ лойиҳалашни асосий боскичларини аникланг.
9. Бузилишга барқарор тизимларни куришнинг умумий алгоритмини тузинг.
10. ББХТ га қурилган назорат воситаларини 1.5п: да ёзилгандан фойдаланиб баҳоланг.

2-боб. ББХТ ни қуриш ва тадқиқот этиш усуллари.

2.1. Ҳозирда мавжуд ББХТлар ҳақида тущунчадар.

Ҳозирги вақтда илмий-тадқиқот ишларини истиқболли йўналишлари-дан бири, хисоблаш воситаларини бузилишга барқарор тизимларини яратиш хисобланниб, улар ҳақиқий вакт мобайнида кетаётган маълумотларини ишлашга мўлжалланган.

Бузилишга барқарор тизимлардан технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда, банк тизимида бажариладиган амалларда, меҳмонхона хоналарини заҳиралашда ва бошқа бир катор тизимларда фойдаланилади.

ББХТ ни кўлтанилиши, корхоналарининг турли фаолиятларини бошқариш жараёнларини унумдорлигини оширади, чунки у керакли ахборотларни келиб тушишини таъминтайди.

ХТ дан эфектив фойдаланиш ечилаётган масалаларнинг сони ва тавсифлари билан аниқланади. Шу сабабли бир томондан, тизим ечаётган масалалар кўлами қанчалик кенг бўлса, ундан фойдаланиш шунчалик эфектив хисобланади. Бошқа томондан эса бундай ХТ бузилиши катта сарф харажатларга олиб келади. Бундай холларда ББХТ катта ахамият касб этади. Улар хисоблаш жараёни ва обьектларни бошқаришини узтукеиз ишлашини (ёки ХТ га нисбатан узок муддат узтукеиз) таъминланиш мумкин. Улар тизимлариниг алоҳида компонентларини бузилишларини ажратиш имконини беради ва керакли ахборотлар базасини сақлайди. Лекин бу ажратиш мутлок бўлиши мумкин эмас. Бузилишга барқарор тизимларда бузилишни тоинш уни баргараф этади, ундан кейин ахборотлар базаси ва хисоблаш жараёнларини тикланишини кафолатлайди.

Бузилишга барқарор тизимларнинг алоҳида компонентларининг бузилиш холларида автомат равишда тикланишини баҳолаш эҳтимоллигини кафолатланиши, бошқача айтганда бузилишдан муҳофазаланиш чукурлиги ҳамда «қопламаси» компонентларининг бузилишлари сони орқали аниқланади ва уларга мутахассис араташуви татаб этилмайди.

Бузилишга барқарорликни юқори даражага етказишнинг 70-йиллардаги оддий кўриниши сифатида алоҳида тизимлар ва курилмаларни в маротаба ортиқча заҳиралаш усулидан фойдаланилган. Бу эса курилмалар сонини кўшайиб кетишига олиб келган.

Бундан ташқари бошқарини тизимининг бавзи элементлари шундай хусусиятга эга эди, уларнинг бузилишлари тизимининг бузилишига олиб келарди.


Охиригү йиғларда ББХТ ни яратишида чет эл фирмаларидан Tandem Computer Inc стакчи ўринларни эгалтамокда. Улар ўз фаолияти давомида Staratus Computer Inc компаниясини маблағ билан таъминламокда. 1975 йил Tandem фирмаси бузилишга баркарорликни таъминлашга яшінча ёндаши, уни Tandem Non Stop хисоблаш тизимида ишлатди. Бунда ҳақиқий вакт мобайнида иштайдиган тизимларни бузилғандан кейин тиклаш масалаларини ҳал этди. Бузилған компонентлар олиб ташланади ва таъмирланғандан кейин дастурий таъминотга аввалдан ўзгартырылыштар киритмай тизимга қайтарилади. Буларнинг барчаси тизимнинг ишлашини ташкил этишининг учта хусусиятига бөлгік [8,17]:

1. Процессорларни тақрорлаш (дублироват);
2. Киритиш-чиқариш курилмасини киришларини бошқаришни тақрорлаш (дублироват);
3. Кўп маротаба алоҳида процессорларнинг хотирасига кўчириладиган асосий операцион тизимни саклаш;

Tandem Non Stop тизими 2 тадан то 16 тагача микропроцессорларни ўз ичига олади, бу МП ларнинг бажарадиган визифасига кўра бир-бирини ўрнини боса олади. Уларнинг ҳар бири ўзининг 8 Мбайт хажмдаги хотираси ва киритиш-чиқариш каналига эга. Бу процессорлар тақрорловчи Dynabus юқори иштаб чиқаришли параллел шина орқати уланган. Ҳар бир киритиш-чиқариш курилмасини бошқаришда иккита уланиш канали бор ва ундан иккита процессор фойдаланиши мумкин. Магнит дискаларида ахборот жамтоворчлари (МДАЖ) ҳам иккита улаш канатидан ташкил топади, уларнинг ҳар бири иккита бошқариш курилмаси билан уланган.

Шундай килиб, ахборотлар базасига процессор ҳамда МДАЖ ии бошқариш курилмалари бузилған ҳолда ҳам мурожаат килиши мумкин. Ахборотлар базаси бузилған ҳолда ҳам бошқа дискда керакли ахборотлар сакланган бўлса уни кайта тиклаш мумкин. Бузилишдан кейин тизим автомат равишда ишчи файлларнинг иккита бир хил нусхасини тиклайди, улар иккита алоҳида МДАЖ да жойлашган бўлади. Кейин тизимни ишлашини давом эттириш учун керакли бўлған бошқа ахборотларни тиктайди.

Tandem Non Stop тизимининг структураси 3-расмда кўрсатилган: у 3 та процессор (1), 4 та киритишичиқариши бошқариш курилмаси (2), иккита уланиш канали 5,6 дан ва тизим шинасини параллел дубллаш 3,4 дан иборат.



3-расм. Tandem Non Stop тизимининг структура схемаси.

Ушбу ХТ даги ҳар бир процессор ўзининг Guardian операцион тизим нусхасига эга. Бундан ташқари шу вактдаги тизим захирасини кўрсатувчи жадвали бор. Процессорлар ҳар бир дақиқада Dunabus шинаси орқали ўз ҳолатини «мен ҳаётман» ёки «мен тирикман» ахбороти орқали бир-бирига етказиб туради. Агар бундай ахборот бирор процессордан келмаса, у ҳолда бошқалари ўз захира жадвалини ўзгартиради, унда ўзи ҳақида маълумот бермаган процессорлар ҳисобга олинмайди.

Tandem Non Stop тизимининг тикланиш механизмининг асосини назорат курилмаларидан фойдаланиш ташкил этади. Хар бир ишчи (асосий) жараён ўзига ўхшаш, лекин ҳаракатчан бўлмаган (актив бўлмаган) жараённи бошқа процессорда ташкил этади. Асосий процессорлар меъёрдагидай ишлашида навбатдаги назорат нуктасида ўз «дублёрига» ўз ҳолати ҳақидаги ахборотни ҳамда ҳисоблаш жараёни ҳақидаги ахборотни беради. Ундан кейин масалани ечишни навбатдаги назорат нуктасигача давом эттиради. Асосий процессор бузилса унинг вазифасини «кўлловчи» процессор давом эттиради. У операцион тизим билан биргаликда асосий процессорнинг ишлаган «натижасини» чиқаради (масала бажарилиши тўхтамайди) ва ахборот ечилмаган охирги назорат нуктасидан бошлаб ҳисоблашни давом эттиради.

Ташки кўринишдан бундай ёндашиб содда кўринса ҳам маҳсус дастурий таъминотни яратиш жуда оғир. Шу сабабли ундан фақат Tandem Non Stop тизимининг ички компонентлари учун фойдаланилади, бошқача айтганда унинг операцион тизими учун ташки компонентлар, амалий дастур учун эса содда усулдан фойдаланилади. Унга мувофиқ тикланиш олдинрокдаги назорат нуктасига қайтиши билан амалга оширилади ёки бажарилаётган масалани қайтариши ҳам мумкин.

Фойдаланувчи жараёни (амалий дастур) тизим маълумотларига кўра тизимнинг ўзгарадиган конфигурацияси алоҳида қилинган. Агар ушбу жараён учун дискдан маълумотлар керак бўлса, у ҳолда билдириш шакланади, у Guardian операцион тизимнинг локал нуктасида ишланади. У ўз навбатида заҳиралаш жадвалига кўра МДАЖ чига мурожаат йўлини аниқлайди. Фойдаланувчи жараёни МДАЖ билан бирлашган иккита процессорнинг қайсинасидан жавоб олиши ёки улардан қайси бири «лидер» вазифасини бажаришини аниқламайди. Бу процессорларни такрорлаб секин-аста тизимни ўстириш имконини беради.

Tandem Non Stop ҳақиқий вакт мобайнода ББХТлари орасида етакчи ўрин тутади. ББХТ ларни куришнинг қизиқ усулларидан бири такрорий (дублирований) назорат бўлиб, у Stratus тизимларида амалга оширилган (Stratus Computer Inc). Бу тизимда кириш бўйича бириктирилган алоҳида тўртта процессор бўлиб, асосий бажариладиган ишлар тўрт маротаба бажарилади. Таққослаш курилмаси иккита жуфтликдан бирида, иккита натижа бир хил бўлмаган ҳолда хато сигналини ишлаб чиқаради.

Натижалари бир хил бўлмаган процессор жуфтлиги ўчирилади, иккинчи жуфтлик эса ишлашини давом эттиради. Тъмиранган процессор жуфтлигини узанида тақрорланадиган (дублироват) жуфтлик билан синхронлаш лозим бўлади. Бундай (спаривание пар) «жуфтликларни биректириш» иккита хусусиятга эга:

1. Бузилишдан кейин автомат равишда тиклаш учун вақт талаб этилмайди, яъни иш жараёни ушланишсиз давом этади. Узилиш факат тъмиранган процессорни ишлашини синхронлаш учун уланишида талаб этилади.
2. Ахборотни тиклаш шарт бўлмаганлиги учун назорат нуқталаридан фойдаланиш шарт эмас.

Шуни кайд этишимиз керакки, бундай ББХТ да ички диагностика қилиш ва тикланиш воситалари мавжуд.

Stratus 32 тизими катта ихтирочилик билан тавсифланади. Унинг асосий камчиликлари бўлиб база қурилмаларининг мураккаблаштирилгани ҳисобланади ва бу тизимда процессор модули (МП) деб аталади. Тизим локал тармоқ ҳалқаси орқали жуфтликларга биректирилган 32 та МП дан (хар бирда 8 Мбайт ҳажмга эга хотира) ташкил топган. Хар бир процессор модули 4 та Motorola 68000 турдаги МП дан ташкил топган ва ОС VOS нусхасига эга.

Тизимнинг тўртдан уч кисми заҳира ҳисобланади ва шу сабабли ишляб чиқариш унумдорлиги ошади [17.24].


Бу камчиликни Synapse Computer Inc фирмаси ўзининг Synapse N+1 микропроцессор тизимида бартараф этиш йўлини тасвия этди. Ушбу тизим Motorola 68000 турдаги МП га асосланган бўлиб, микропроцессорлар тақрорланадиган тезкор параллел шина орқали ўзаро тъсирида бўлади ва умумий бўлакланган хотирага эга [17].

Тизимнинг структура схемаси 4-расмда келтирилган. Унда тизим масалалари ва фойдаланувчи масалалари учун сакланадиган дастурлар умумий хотираси, 2-универсал процессор масалалари рўйхати (ишлаш навбати) ва 3,4- параллел тизим шинаси.

Тизим 28 тагача МП дан ташкил топади. Баъзи процессорлар киритиш-чиқаришни амалларини бажаришга мўлжалланган бўлса, бошқалари процессорлардан келган маълумотларни ишлашга мўлжалланган. Процессор ўзи диспетчер

сифатида ишлайди, умумий хотирага мурожаат қилади ва масалани ўзи мустакил таштайди.

Операцион тизим 16-Мбайт ҳажмдаги умумтизим хотирасида сакланади.



4-расм. Sunapse N+1 тизимининг структура схемаси.

Sunapse тизимининг номланишига N+1 ифодаси киради, ББХТ 211 процессори каби Nни кўшилиши ҳам тизимни бузилишга барқарорлигини таъминловчи ишловчи процессордир, бошкача айтганда ҳар бир процессор «такрорловчисига қарайди». Бунда ишлаш кобилиятига лаёқатли процессор бузилганини ишини давом эттиради, бунииг учун тизимнинг умумий хотирасида сакланадиган ахборотдан фойдаланилади. Бундай ташкил этини тизимнинг самарадорлиги процессорлар сонини ўстириш хотатидаги каби унумдор бўлади (Stratus/32 турилаги тизимдан фарқи).

Лекин умумий бўлингани хотира бузилишга барқарорлик тушунчасига кўра «тор жоий» хисобланади. Бу камчиликларни бартараф этишининг иккита усули мавжуд. Биринчиси, бузилган хотира модулини ажратишга асосланган ва Synapse тизимида татбик этилган. Иккинчи услуб тизим хотирасини такрорлашга асосланган ва ZB20D Ball Laboratories Western Elektric процессорида татбик қитинган.

Anagen Systems Corp фирмаси қизиқ счим таклиф этган. У Systems 4000 ни ишлаб чиқарди, бунга кўра процессор элементлари такрорланувчи тезкор шинага «гроздь» деб аталган шаклда бирлаштирилди. Ҳар бир «гроздь» 8 Мбайт ҳажмдаги хотирали 3 та Motorola 68000 МП дан ташкил топган.

Уларнинг иккитаси фойдаланувчи масалаларини бажаради, учинчиси эса операцион тизим вазифасини бажаради. Ҳар бир «гроздь» ўзининг операцион тизимини Unix System IIIning нусхасига эга.

System 4000 да назорат нуқталари тамойилидан фойдаланилади (синхронлаш нуқталари). Масалани бир кисми

бажарилгандан кейин синхронлаш амалга оширилади: асосий процессордан узатилган маълумотларни тақрорловчи процессор барчасини қабул килади ва сактайди, ҳамда бу маълумотларни охириги синхронлангандан кейинги йўналишларини ҳам хотирада сактайди. Узилиш ёки бузилиш содир бўлганда «тақрорловчи» кириш маълумотларини ишлайди ва асосий процессор тўғри ишлай бошлагунча «тақрорловчи» процессор, асосий процессорнинг чиқишини ўчиради.

Хар бир «гроздь» тизимида доимий ўзини ўзи тестлаш амалга оширилади. Тестлаш мувоффақиятли амалга оширилса бошқа тизимларга ишлашга лаёкатлилиги хақида сигнал узатилади. Агар сигнал ишлаб чиқарилмаса ёки бошқа тизимларга келмаса унда ушбу «гроздь» бошқа тизимлар томонидан бузилган деб хисобланади. [14]

Tolerant Systems Inc фирмаси асосий ва тақрорловчи процессорларни синхронлашни амалга оширувчи Plus 32 ББХТ ни яратди. Ўнинг структуравий база элементи National Semiconductor Corp's фирмасининг иккита микропроцессоридан NS 16000 дан ташкил топган бўлиб, Eline Ethernet тақрорловчи локал тармоғи орқали уланган. Хар бир микропроцессор ўзининг операцион тизимининг нусхасига эга. Бузилишларни диагностика қилиш худи Synapse N+1 тизимидағи каби алоҳида амалларни бажариш вактини ошиб кетишни ва ишлашга лаёкатлийк сигналининг йўклигидадир.

British Telecom фирмаси 4 Мбайт хотирали саккизтагача Motorola 68000 микропроцессорларини ўз ичига олувчи Power S/55 ББХТ ишлаб чиқарди. У хар қайси процессор жуфтлиги ўзаро буткул боғлиқлигини таъминтайди, улар ўзининг Person OT ли нусхасига эга ва барча МДАЖ ни бошкариш курилмаларига эга. Бу МП компонентларнинг бирортаси, МДАЖ ни тизим кисмларининг ишламай қолиш эҳтимоллигини камайтиради. Чунки ахборотлар базасига тегишли бўлмаган маълумотлар барча МДАЖ ларда сакланади, бу эса ахборотни ишташ ва уни қидириш учун кетадиган вақтни инчага қисқартиради. Процессор ёки МДАЖ ларнинг бузилиши амал бажариш вақтининг ошишига қараб диагностика килинади.

Бундай МП ва МДАЖ ўзаро боғлиқлиги тифайли уларнинг бирортаси ҳар қандай ҳолда ҳам ишлашни давом эттиради.


Күйіндегілар көлтирилген бузилишіңа барқарор хисоблаш тизимінің умумий күрсаткышлари бўлиб, хисобланади:

1. Катта тезлікка эга такрорланувчи шиналар билан тизимнің алоҳида компонент жуфтликларини максимал узаниши (боғланниши).
2. Хар бир процессор ёки процессор тизим ости түрухлари хотирасида ОТ(операцион тизим) нусхаси сакланиши.
3. Ҳақиқий вақт мобайнида тизимнің ишлаш қобигияти ва тикланишини назорат қилиш имконияттарынг борлиги.
4. Универсал ва ўзаро ўрин алмашиш имконияттары эга бўлган Motorola 68000 турдаги микропроцессорлардан фойдаланиши.
5. Асосий жараённи бир катор процессорларга (МП сонига ва тизим ости сонига қараб) бўлиш узарнинг хар бирида, такрорлаш тамойилидан фойдаланилади.

Такрорланишининг тарқалиши ва хисоблаш тизимининг учтатигини олдин [3.7.30], мисол учун AS 220Н такрорланувчи синхроизлаган тизим, учланған AS 220 НF тизими (5-расм), бунда арифметик мантикий қурилма (АМҚ), киритиши қурилмаси (КҚ) ва чиқариш қурилматары, хотира қурилмаси ва алоҳида мажаритар аъзо билан таъминланган. Бу тизимдарнің асоси бўлиб захиралашмаган бошқарувчи хисоблаш тизими AS 220 хизмат килади.

Асинхрон ХТ ларда бузилиш ва хатоликларни тез аникташдан фойдаланилмайди, шу сабабли хисоблаш жараённин тиклашдан хам фойдаланилмайди. AS 220Н тўлиқ тизимида эса ишлашининг синхрон тамойилидан фойдаланилади, бу эса бузилишни бир неча миллисекундца топиш имконини беради. Тизимда бўлаклаб топиш функцияси ва бузилишни бартараф этиш тамойилидан фойдаланилган.

Күйінде 5- расмда AS220 НF тизиминин структура схемаси берилган.



5-расм. AS 220 HF тизимининг структура схемаси.

БХТ ривожланиш даражасини тўлиқ тасаввур қилиш учун замонавий чет эл ХТ лари хақида асосий маълумотлар келтирилган. (4-жадвалга қаранг).

Жадвалда бузилмасдан ишлаш эҳтимоллик кийматлари заҳираланишини ҳисобга олиб берилган. Агар ХТ тақрорланса бузилиш интенсивлик даражаси 10^3 соат⁻¹ га мос келади. Битта ХТ учун юқори сифатли ва ишончли компонентлардан фойдаланилади. Кўп ҳолларда тақрорлаш кириш чиқиш курилмасида марказий процессорда ва хотирани бошқариш курилмасида амалга оширилади. 16К сўзли ҳажмдаги тезкор хотира курилмаси секцияланган (6К сўз ҳажмдаги секциялар сони кераклигига қараб танланади). Заҳиралашни ёкиш курилмаси мантикий тўқилган схемага асосланган. Бу ерда назорат ва диагностика катта аҳамиятга эга, чунки уларнинг натижасига кўра заҳирани автомат ёкиш сигнални танланади.

Төсифлар	CDC 469	DELKO M362	GETEC POP-11	LITTO N 4516E	RCA SCR- 234	Pockw ell DF- 224
Тезлиги, минг см/с	200	650/840	100	300	70	400
Сўз узунлиги, бит	16	16/32	16	16/32	16	24
Қатъий нук- тали ёки ўзга рувчали нуктали	K	K/Ўз	K	K/Ўз	K	K
Тезкор XК ҳажми Ксўз	64	64	32	128	64	4
Цикл узунлиги мкс	1,6	0,6	-	-	2,34	1,6
Киритиш/чиқа риш тавсифи мкс/сўз	2,5	2,0	1,0	2,0	11,6	4,8
Истемол кувати, Вт	20	150	14	80	5	100
Оғирлиги, кг	4	17,7	10	10,8	8	44
Ҳажми, дм ³	1,61x 1,36x 1,55	20,8	3,05x 2,03x 50,8	8,2	5,9	4,57x 4,75x 3,25
Рұхсат этапынан ишлаш ҳарорати оралиғи, С°	-35+60	-54+86	-35+70	-35+70	-5- +45	-20- +50
Бузилмай ишлаш эҳтимоллиги	0,92 5та 1 йил ичида	0,99 2 йилда	0,99 2 йилда 0,95 3 йилда	0,98 2 йилда	0,899 2 йилда 3 йилда	0,92 3 йилда

2.2. Бузилишга баркарор ҳисоблаш тизимларини қурилиш тамойилининг анализи.

2.2.1. ЕБХТ ларни яратишнинг асосий масалалари.

Ҳисоблаш техникаси воситаларини (ХТВ) қўлланилиш соҳалари йил сайин кенгайиб бормокда.

Шу сабабли янги ҳисоблаш тизимларини яратиш муаммолари актуал бўлиб бормоқда. ХТ ларини яратувчилар олдида иккита асосий масала туради:


- юқори самарадорликка эришиш;
- юқори даражадаги ишончлиликтан таъминлаш.

Ушбу масалалар бир-бирига қарши, шу сабабли аниқ ҳолат учун қандайдир мос келувчи ечим таъминлаш лозим. Биринчи масалани ечиш йўли ХТ нинг алоҳида элементларини тезлизгини ошириш ва ҳисоблаш жараёнини максимал параллеллашдан иборат. Иккинчи масалани ечишни иккита асосий йўналишга ажратиш мумкин.

1. Тизимнинг бузилишини бартараф этиш учун ХВ ларини компонентларини тайёрлашнинг технологик ишончлилигини жараёнларини ошириш (ХТ алоҳида қисмларини ишончлилигини ошириш), ташки мухитни ўзгартириш шартлари, лойиҳалаштирувчилар ва дастурловчиларнинг хато-ларини минимал ҳолга келтириш керак. Тизимнинг бутунлигига ёки алоҳида компонентларнинг ишончлилик тавсифларини оширишга: ХТ нинг компонентларини киришда назорат қилиш, элементларнинг интеграция даражасини ошириш, элементларни иссиқлик энергиясини эффектив тарқатиш усулидан фойдаланиш. Лекин бу усул ўзининг техникавий ва экономик тавсифларига кўра табиий чегараланишга эга.

2. Бузилишга барқарор ХТ яратиш бузилиш содир бўлишини рад этмайди, лекин бундай ҳолларни бартараф этишнинг эффектив усуllibаридан фойдаланилади.

Бундан кейин бузилиш ва узилиш ҳоллари содир бўлиш жараёнлари ва уларни бартараф этишни ҳамда ҳисоблаш жараёнини тиклаш усуllibарини кўриб чиқамиз. Умумий ҳоллар учун ББХТ ларини тиклаш жараёни б -расмда кўрсатилган. Ў бундан ҳам соддароқ кўринишда бўлиши мумкин, чунки кўп ҳолларда тизимнинг алоҳида ҳолатлари бирлаштирилади.



6 -расм. ББХТ лар ҳолатининг кетма-кетлиги.

2.2.2. ББХТ лари ишламида хатоликларнинг классификацияси.

Хозирги вақтда хатоликларнинг куйидаги классификациялари мавжуд: [3,14];

1.Хатоликнинг таъсир этиш вақти бўйича: доимий-хатоликлар, ХТ компонентларининг бузилиши билан боғлик;

Вактинчалик (оралик)-хатоликлар, ХТ компонентларининг нокатъий ишлаши билан боғлик;

Тасодифий-хатоликлар, ХТ нинг ишламида ташки муҳитининг тасодифий таъсири билан боғлик;

2.Белгиларининг сонига кўра:

биттали-хатоликлар, битта компонентнинг бузилиши ёки унинг узилиши билан боғлик;

Кўплаб хатоликлар, тизимнинг бир қанча ерида бир вақтда содир бўлган битта ёки бир нечта компонентларнинг бузилиши ёки узилиши билан боғлик;

3.Хатоликларни содир бўлиш вақтига кўра;

ХТ ишлаш вақтида содир бўладиган хатолик;

ХТ ни тиклаш вақтида содир бўладиган хатоликлар;

4.Хатоликларни ахтариш тавсифига кўра ;

Мурожаат вактидаги хатолик-тизимининг таъқиқланган ёки тизимда бўлмаган ҳолатга мурожаатидаги хатолик;

Таққослашдаги хатолик-иккита ёки кўп катталикларни таққослашдан келиб чиқадиган хатолик;

Ушланишдаги хатолик-бир турдаги амалларни бажариш вактида мос тушишдаги хатолик;

Дастурий хатолик-дастурни нотўғри ишлашидаги хатолик.

Компьютерларнинг бузилиши уларнинг «қариши» (ишлаш муддати тугаши) оқибатида содир бўлади. Бузилиш интенсивлигининг ўсиши атроф- муҳитнинг ўзгаришига ҳам боғлик бўлиши мумкин (мисол учун ҳароратнинг кўтарилиши, радиациянинг ўсиши ва тебранишларнинг ўсиши).

2.2.3. ББХТ да назорат қилиш йўллари ва воситалари.

ББХТ ларнинг ишлашидаги хатоларни топишни назорат қилишнинг ҳар хил усуслари мавжуд, уларнинг асосийларидан бири ортиқчалик тамойили бўлиб, у икки турга бўлинади [8,26];

Вақтли ортиқчалик;

Дастурли ва аппарат ортиқчалик;

Вақтли ортиқчалик дастурий воситаларни кўшимча ҳисоблаш орқали амалга оширилади. У алоҳида амал ёки ҳисобларнинг натижаларини таққослаш учун зарур бўлиб, уларни мос тушиши тизими ишлашини давом эттириш учун асос бўлади.

Иккинчи тур ортиқчалик эса кўшимча аппарат ва дастурий воситаларни назарда тутади. Бу эса назорат амалларини бажариш ва уларни асосийси билан таққослаш учун керак бўлади.

ХТ нинг структурасини ҳисобга олган ҳолда хатоликларни топишнинг усуслари ва воситаларини ҳозирги вактдаги классификацияси 7-расмда келтирилган.

Хатоликларни топишнинг асосий учта даражасини кўрсатамиз:

1.Сигнал даражаси. Бу даражада қўлланиладиган воситалар ўзини-ўзи назорат схемаси кўрининшида ташкил этилган. Бу хатолик вужудга келиши биланок уни топиш имконини беради. Бундай усуслни қўллашнинг асосий қийинчилиги унга кетадиган кўшимча воситалардадир. Ушбу

даражадаги хатоликларни топиш воситаларини күйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

максус кодлар;

такрорлаш схемалари;

можоритар схемалар;


Баззи ҳолларда натижалар мос тушиши хисобга олинмаса, такрорлашда хатоликларни асосий ҳолда тўлиқ топиш мумкин, агар баъзи ҳолларда натижалар мос тушиши хисобга олинмаса. Курилмаларни микроминиатюр қилиб ишланадиганда хисобга олинса бу усул келажаги порлоқ хисобланади. Мисол учун Stratus/32 тизимида тўрт маротаба такрорланиши хисобига хатоликларни топиш чиқиши натижаларини мос тушмаслиги орқали аникланмайди.

2. Тест даражаси. Тестлаш воситалари кириш сигналларини тестларини шундай генерация қилиши керакки, унда XВси барча мумкин бўлган компонентлари чиқишида ногуғри сигналлар келтириб чиқарсин. Шундан кейин тўғри (эталон) сигналлари билан таққосланиб уларни топилади. Тестли даражада доимий ва қисман вактинчалик хатоликларни топиш мумкин. Тасодифий хатоликлар уларда аникланмайди.

Тестлаш воситалари ва усуллари кўйидагича бўлинади:

а) тестлаш ўтказиш вактига кўра.

Хатоларни топиш ва бартараф этиш воситалари ва усуллари



7 -расм. Хатоликларни топиш ва бартараф этиш восита ва усууларининг классификацияси.

ХТ ишлаш вақтида ишламаётган тизим ости жараёнларини бажарилишида тестлаш тизимнинг бошқа кисмлари асосий ишлаш вақти билан бир вактда амалга оширилади.

Тестлашни даврий ўтказиш.

- даврий-назорат даврини оптималлаш масалалари [8,14] ишларда кўрсатилган.
- даврий бўлмаган-(мисол учун топширикни бажариш тўхтагандан сўнг)

- Тестлашнинг давомийлиги:

- берилган вақт оралиғи давомида;
- католикни бартараф этишгача.

[5,9] да кўрсатилганидек, католикларни аниқлаш воситаларини эффективлиги, бу тестлаш вақтининг ўсиши ҳисобланади.

Тестлаш воситаларини жойлашишига кўра:

- ички тестлаш (процессор тизимининг асосий воситалари бажаради), бузилишга барқарор ЖКИС учун ички таъминотнинг афзалиғиги кўплаб авторлар томонидан кўрсатилган. Бундай тестлашига мисол бўлиб, Seguola System, System 4000 тизимини кўрсатиш мумкин. Бундай мультипроцессорлар тизими [17] ишда келтирилган;

- ташки тестлаш (маҳсус восита амалга оширилади) тизим процессорлари орқали амалга оширилади.

Тестлашнинг чукурлиғи (куйилиғи) ёки жойлашган ерини топиш аниқлиги, тестлаш воситалари томонидан элементларни бир вақтда тестлаш сонига қараб фарқланади.

Тестлаш усулини ташкил этилишига қараб:

- тизим компонентларини навбатига қараб тестлаш (кўп ҳолларда ХТ ни тестлашда фойдаланилади);

ХТ компонентларини бир вақтда (параллел) тестлашга ажратиласди;

Тестлашни ўтказиш усулига кўра:

- ХТ компонентларини ўз ўзини тестлаш;
- ХТ компонентларини яқин (кўши) жойлашганларни тестлаш;
- ХТ нинг бошқа ҳохлаган процессор элементини ихтиёрий процессордагисини тестлаш.

3. Функционал даражада. Сигнал даражасидан юқори даражада бўлган хато ахборотларни аниклаш, у тизимда ноҳушиликларни бартараф этиш учун мўлжалланган. Улар тизимнинг тўғри ишлиши ва тўғри натижани хисоблаши вақтига кўйилган «тўсик» ёки «чегара» бўлиб хизмат қилади.

Компонентларнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган хатолар тезда ХТ орасида тарқалиши ва ўсиши мумкин.

Ушбу даражадаги воситаларни ХТ орасида «тўсиклар» кўйиш усулига кўра куйидагича классификация қилиш мумкин.

Вактинчалик «тўсиклар» (топширикни бажариш вақтининг назорати). Агар топширик қисқа вақт ичидаги бажарилмаса, хатолик белгиси бўлиб хизмат қилувчи хисоб натижасини ушланиши катастрофик оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бундай турдаги хатолик динамик хатолар бўлади.

Вактинча «тўсик» туридаги тизимларга Synapse N+1, Plus 32 лар мисол бўла олади.

Фазовий «тўсик» (топширикни бажарилши вактиви назорати).

Мисол учун, агар ушбу дастурда хотиранинг майдони ажратилган бўлса, ушбу майдонга тааллукли бўлмаган адресни пайдо бўлиши хатолик бўлиб хизмат қилади. Хатоликни тарқалишини тизимнинг бир соҳасида чегаралаш ХТ нинг тикланини жараёнини осонлаштиради, чунки бундай ҳолда ахборотнинг катта таъсир этмаган қисми (хисоб натижасини тасдиқловчи) сақланиб қолади. Ҳар хил турдаги кўшимча хисоблар ёрдамида (ёки хисоб машинасини тасдиқловчи асосий жараёнда) хатоликлар аникланади. Бу ерда назорат функциялари, назорат йигиндиси ва бошқа усуллардан фойдаланишимиз мумкин [24].


Юқори ишончлилик ББХТ куришда биттагина даражадаги хатоларни аниклаш воситаларидан фойдаланиш етарли эмас. Факатгина учала даражадаги воситаларни кўлашгина куттилган натижаларни бериши мумкин.

2.2.4. ББХТ ларини бузилиш ва хатоларни бартараф этиш йўллари ва воситалари.

Хатоларни бартараф этишнинг содда усулари хисоблашни кайтаришидир. Лекин у факат кандайдир ходисалар оқибатида рўй берган хатоларни бартараф этиши мумкин ва у катта машина вактини талаб этади. Амалда ББХТ хатоларини ва бузилиш оқибатларини бартараф этишнинг иккита усулидан фойдаланилади 8-расм):

Хато ҳаракатларни ниқоблаш;

Тизимни кайта куриш (реконфигурация).



8-расм. Бузилиш ва хатоликларни оқибатларини бартараф этиши усуллари ва оқибатларининг классификацияси.

Бирингчи усулнинг мазмуни, ортиқча ахборотлар хато ахборотлар ҳаракатини яширади, бунга ҳисоблаш жараёнини ташкил этилиши ва схемавий ечимлар хусусиятлари сабаб

бўлади. Бунда хатолик оқибатларини бартараф этиш статик воситаларидан фойдаланилади (ниқоблаш воситалари).

Ниқоблаш воситаларини ишлаш тамоилига кўра кўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- коррекция кири туви кодлар (Хемминг кодлари);
- тўқилган (переплетний) мантикли;
- овоз берувчи схемали.

Охирги ҳолатда блокларни тоқ сонидан фойдаланилади, улар бир хил ҳисоблаш амалларини бажаради ва кўпчилик «овоз» билан чиқиш сигналиниң тўғри натижаси аникланади.

Иккинчи усул-ХТнинг структурасини ўзгартириш (кайта куриш)-бу ҳисоблаш воситаларини таркибини ёки уларни ўзаро таъсирини ўзгартиришдан иборат (8-расм). Структурани ўзгартириш бузилиш аниклангандан кейин амалга оширилади. Хатолар ва бузилишнинг оқибатларини бартараф этишнинг бундай усули ўз ичига кўйидагиларни олади:

- статик ўзгартириш;
- динамик ўзгартиришларни олади.

Тизим структурасини статик ўзгартириш носоз компонентни ўчириб кўйиш йўли билан амалга оширилади. Бунда тизим икки қисмга бўлинади. Актив ХТ нинг ишлашида бевосита қатнашади ва пассив қисм компонентларини ишга лаёқатли қисмини қамраб олувчи ва структурали ўзгартириш вақтида ўчириб кўйилган қисми.

Динамик ўзгартириш киритиш усули кўйидаги кўринишларга бўлинади:

Ўрин босиш- заҳираларни кўллаш (бу усулда курилган ББХТ куришга мисол бўлиб Non Stop I, II [14,17] хизмат қиласди).

Такрорлаш (Sunapse 4000 тизими мисол бўла олади). Тизимнинг аста-секин пасайиши «деграция» (ҳисоблаш қобилиятини пасайиши). Бу усулда Power S/55 тизимлари кўрилган.


Агар тизим ниқобланган ортиқчалик динамик ўзгартириш қисми бўлса, унда бузилган компонентларини ўчиришни кейинги бузилишгача колдириш мумкин.

2.2.5. ББХТ ларини тикланит ўзлари.

Ўзгартиришдан кейин тизим меъёрий ишлашини давом эттириши учун уни тиклаш зарур, бу иккита даражада амалга оширилади. (9-расм)

1. Аппаратли даражада. Бу ерда ХТ бузилган компонентини тиклашнинг иккита усулидан фойдаланилади. [6,13,14].

Биринчи усул- автомат равишда тикланиш. У тизим структурасини кўшимча ўзгартаришлар йўли билан амалга оширилади. Бунда тизим бир қатор захира блоклардан ташкил топади деб фараз қилинади. Шу сабабли тизим ишлашга лаёкатли ҳолатга қайтади. Бунда тизим самарадорлиги сакланиб қолиши ёки бир мунча камайиши мумкин.



9-расм ББХТ ларини тиклаш усулларининг классификацияси.

Таъмирлаш (кўлда тиклаш). Бу ҳолда бузилган блок тизимдан узиб кўйилади ва у ишлашини кам самарадорлик билан давом эттиради ёки ХТ нинг актив қисмига таъмиранган блок қайтарилигунча тўхтатиб турилади. Одатда, таъмирангандан кейин

тизимнинг барча дастурлари қайта киритилади, бундай тизимга мисол кичиб CPU Parallel Computer Inc ни одишимиз мумкин.

2. Дастурий даражада. Бунда ХТ ни ҳолати ҳақидаги ахборотни тиклаш амалга оширилади, у тизимнинг иштасини давом эттириш учун керак бўлади.

Тизимнинг ишлаш тартибини бузилишини тиклашини усулиарини қўйидагида кўрсатиш мумкин:

- амалии қайтариш ёки ҳар хил даражада охирги харакатни қайтариш, уларнинг баъзишарини қайтариш тўғри натижани бериши мумкин, агар уларга боғлиқ хатолик тасодифий ёки вактнинчалик (хато тикланиш жараёнида йўқолади) бўлса. Кўп холларда охирги амалии ёки харакатни кўп даражади қайтарилади, бу хисоблаш жараёнини тўғри тикланиш эҳтимолини оширади;

- назорат нуктасига қайтиш. Бу хисоблаш жараёнини баъзи ногоналарини оралиқ хисоб натижаларини белгилаб кўйиншдан (битта ёки бир нечта ХК да) ва тизим ҳолати ҳақидаги ахборотларни белгилаш, хисоблашни янгидан бошлаш имконини беради. Назорат нуктасига қайтиши хисоблаш жараёнини қайтарилиши деб қараш мумкин. Хатолик аниқланиши билан тизим назорат нуктасига қайтади. Бунда у ўз ишини лавом эттирган ҳолда бузилиш содир бўлган вактдаги назорат нуктасига қайтади. Бу нуктадан беринган нукта сифатида фойдаланилади (бунидча, ушбу нуктадаги барча дастурлар тўғри ва сактандаги бўлиши керак).

- дастурни такрорий бажариш. Бу тикланиш усулида барча бажарилмаган дастурлар бошланишидан қайта ишланади (бузилишгача бўлган). Бундай усул тизимда бузилган ахборотлар сони, алоҳидаги амалии ёки дастурнинг қисмини қайта тиклаш йўли билан тиклаб олиш мумкин бўлмаган холларда ишлатади.

Ушбу усул учта ҳолатда кўлланилади:

1. агар, хато харакатлар тизимнинг катта қисмини ўз аксини топган бўлса;
2. агар, минимал хатоликларга эга бўлган ҳолда хисоблаш жараёнини кисман тиклаш имконига эга бўлса;
3. агар, тизимни иштасини бошка усулилар билан тиклаш катта қийинчилик тутдирса ёки кўп вакт талаб этса.

Дастурни қайта бажариш усули CPU Parallel Computer Inc да амалга оширилган.

Кўришган барча усувлар ёрдамида тиклаш, топширикни сажаришини ушланишига олиб келади. Даастур даражасида тикланиш воситаларидан фойдаланиши, даастурни бажарилтишини кайтариш, даастур кўришилари ёки алоҳида амалларни бажариш, хатоларни ишқоблашга караганда кўп вақт талаб этади. Лекин тиклаш ва ишқоблаш воситаларини оптимал таркибини аниқлаш жуда оғир. ББХТ ларини кўлланилиш соҳасига қараб тикланишдаги ушланиш аниқланади.

Замонавий ҳисоблаш воситаларида ҳозирги кунда хатоликларни тузатиш ва аниқлаш воситаларини ҳар хил турларидан фойдаланилади. Бундан ташқари ҳисоблаш тизимларини тиклаш бузутишга барқарор ХТ лар таркибига киритилмоқда, булига IBM 4300 ва Univas 1100/60 ни мисол килиб кўрсатиш мумкин.

Кўйидаги хутосага келишимиз мумкин:

ББХТ ларидаги хатоларни топиш, тиклаш ва баргароф этишининг ҳар хил воситаларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки уларнинг ҳар бири юкори аниқлик билан маълум бир турлаги хатоларни топа олади;

Назорат ва тикланишининг бир канча воситаларидан фойдаланишида уларла тизимнинг ҳар хил иерархик даражаларида олиб борилгандай эфектив бўлади;

ББХТни куришда энг эфектив ва истиқболни назорат усувларидан бири – такрорловчи назоратadir:

Синов саволлари ва топшириқлар.

1. Барчага маълум бўлган ББХТ нинг умумий тузилишини кўрсатиб беринг.
2. ХТ ларни яратишида уларнинг юкори даражадаги ишончлилиги кандай таъминланади?
3. ББХТ содир бўладиган хатоликтариниг саноқ белгистарини кўрсатинг.
4. ББХТда хатолиларни топишининг асосий даражаларини аниқланг.
5. Кандай холатларда назорат ва диагностика воситаларини ББХТ да кўллаш эфектив бўлади.

3-боб. Бузилишга баркарорликни таъминлаш воситатарини лойихалаш усуллари

3.1. Хатоларни топиш воситалари.

Хатоликни ҳосил бўлишини топиш — бу бузилишга баркарорликни таъминлаш воситаларини (ББТВ) колган барча функцияларини ташкил этишин бошланніч нуткасидир. (ББТВ ишлашининг хатони ниқоблаш усулидан ташқари, мажаритар захиратлашдан ташқари). Ахборотларни ва аппаратурни тиклашнинг энг мураккаб усуллари ҳам, ХТ ларнинг элементларини ишлашдаги хатоларини топиш схемаларини эффективлигига боғлиқдир.

10-расмда тизимда бузилиш келиб чиқишида тасодифий ҳодисаларнинг бостириш кетма-кечиги келтирилган. бунда, биринчидан, агар бузилиш топилмаса ахборотларни ва аппаратурни тикланиш жараёни ноъманум муддатта ўчириб кўйилади, фойдаланувчи эса кўйилган масалани хато ечимини олиш мумкин. Иккинчидан эса 1, 2 қанчалик катта бўлса, дастурни бажарилиш жараёнига ва ишланаётган ахборотларга шунча кўп ноаникликлар келтиради.

1	1	1	бузилишини бартараф этиш	холати	ниша заёдати
бузилишни бузилиш келиб иш чиқиши	бузилиш и топиш (хатони) кўрсатиш			бузилиш бостириш	

10-расм. Тизимда бузилиш келиб чиқиш тасодифий ҳодисаларнинг бостириш кетма-кечиги.

Бундан ташқари, хатони топиш схемасини куришда ёлғон хато сигнати келиб чиқиши мумкинligини ҳам билish керак. У хато топиш схемасининг узилиши ёки бузилиш оқибатида келиб чиқиши мумкин.

ББХТларини куришда хатоликларни топиш тизимларини яратиш мақсадга мувофик хисобланади. Хатоликларни ва уни келтириб чиқарувчи бузилишларни топиш аппарат йўли билан,

дастурий йўл билан ва вактинчалик усуслар орқали ёки уларни комбинациясида амалга оширилади. Хатоликларни топиш жаравёни нуткан назаридан кўпроқ назорат терминидан фойдаланилади.

Назорат бошлангич тезкор ва режали бўлиши мумкин. Бошлангич назорат меъёрий ишлатишдан оддин амалга оширилади ва у курилмаларни йиниш вактида ёки иштаб чиқариш вактида йўл кўйилган (элементтар) посозликларини аниқлаш учун хизмат китади. Тезкор назорат тизимининг меъёрий ишлаш вактида амалга оширилади ва кисқа вакт мобайнида содир бўлган янги бузилишларни аниқлаш учун хизмат китади. Режали назорат эса, ХТ ни ишдан бўш вактда олдиндан белтиланган вакт мобайнида амалга оширилади.

Бундай назоратларни ташкил қитишида энг оғири тезкор назоратни (ТН) ташкил килиш хисобланади. ТН ёрдамида хатоларни топиш учун тизимга маҳсус аппараторлар ва дастурий воситалар киритилади. Улар ХТning асосий аппарат ва дастурий воситалари билан бирга паралел ишлади. Хатоларни тезкор топишнинг муҳим хислати тизимда содир бўлиши мумкин бўлган иштаётган дастурни бузилиши ёки ахборотларга келтириладиган зарардан олин хатолик сигнални иштаб чиқарилади ва тиклаш жаравсинга ўтилади.

Хатоликларни тезкор топишнинг аппараг усули биринчи автод хисоблаш машиналарида ҳам кўлтланган бўлиб, кейинги автод ЭҲМ ларида ўз ривожини топди. Бу усулда хатоликларни топишда кодлардан фойдаланиш (модул бўйича назорат), натижаларни таққослашни такрорлаш, мос тушмаслик детекторларини кўллаш, овоз берувчи мажаритар схемалар, бъзи бир муҳим элементларни маҳсус назорат схемаси (такт импульс генераторлари, таъминот манбайни, хотирага ёзиш схемаси ва бошқалар) тегишилдири.

Хатони топишни тезкор дастурий усули дастурлардан паралел фойдаланишга ёки дастурга кўшимча хусусиятлар киритишга асосланган. Биринчи ҳолатда бир нечта бир хил дастурлар ишлатилади. Улар алоҳида процессор ва алоҳида хотира курилмасидан фойдаланинади. Шу сабабли оптика ХТ ning аппарат комплектлари талаб этилади. Натижаларни таққослаш схемаси ёрдамида эмас, баткъ натижаларни дастурий алмашиш ёки назорат йигинчлари орқали амалга оширилади. Маҳсус тизимдан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд (мисол учун,

назорат қилинаётган ЭХМ күрнинишида), унда тизимнинг асосий кисмени иштариши кузатиш максадида дастурний назоратдан фойдаланилади.

$$P_2(t)/dt = -(\mu_{2,3} + \mu_{2,4})P_2(t) + \mu_{1,2}P_1(t);$$

$$P_3(t)/dt = -(\mu_{3,7} + \mu_{3,8} + \mu_{3,5} + \mu_{3,6} + \mu_{3,15})P_3(t) + \mu_{2,3}P_2(t);$$

$$P_4(t)/dt = -\mu_{4,18}P_4(t) + \mu_{2,4}P_2(t);$$

$$P_5(t)/dt = -(\mu_{5,9} + \mu_{5,17})P_5(t) + \mu_{2,5}P_3(t);$$

$$P_6(t)/dt = -\mu_{6,18}P_6(t) + \mu_{3,6}P_3(t);$$

$$P_7(t)/dt = -\mu_{7,1}P_7(t) + \mu_{3,17}P_3(t);$$

$$P_8(t)/dt = -\mu_{8,1}P_8(t) + \mu_{3,8}P_3(t);$$

$$(4.31) \quad P_9(t)/dt = -\mu_{9,10}P_9(t) + \mu_{5,9}P_5(t) + \mu_{12,9}P_{12}(t) + \mu_{13,9}P_{13}(t);$$

$$P_{10}(t)/dt = -\mu_{10,11}P_{10}(t) + \mu_{9,10}P_9(t);$$

$$P_{11}(t)/dt = -\mu_{11,1}P_{11}(t) + \mu_{10,11}P_{10}(t);$$

$$P_{12}(t)/dt = -(\mu_{12,9} + \mu_{12,13} + \mu_{12,14} + \mu_{12,17})P_{12}(t) + \mu_{5,12}P_5(t);$$

$$P_{13}(t)/dt = -\mu_{13,9}P_{13}(t) + \mu_{12,13}P_{12}(t);$$

$$P_{14}(t)/dt = -\mu_{14,18}P_{14}(t) + \mu_{12,14}P_{12}(t);$$

$$P_{15}(t)/dt = -\mu_{15,18}P_{15}(t) + \mu_{3,15}P_3(t);$$

$$P_{16}(t)/dt = -\mu_{16,18}P_{16}(t) + \mu_{1,16}P_1(t);$$

$$P_{17}(t)/dt = -\mu_{17,18}P_{17}(t) + \mu_{12,17}P_{12}(t);$$

$$P_{18}(t)/dt =$$

$$\mu_{16,18}P_{16}(t) + \mu_{4,18}P_{10}(t) + \mu_{15,18}P_{15}(t) + \mu_{6,18}P_6(t) + \mu_{14,18}P_{14}(t) + \mu_{17,18}P_{17}(t);$$

Ушбу тенгламалар күренишидан $\sum_{i=1}^{18} P_i(t) = 1$ матрица

күренишига ўтказсак.

$$\text{бунда } P(t) = [P_1(t), P_2(t), \dots, P_{18}(t)], \quad \text{тикланиш}$$

интенсивлигининг қыймати μ_{ij} матрицанинг i қаторини j устунига мос келувчи элементидир. Матрицанинг диагонал элементлари шундай шартта бўладики, элементлар қаторларининг йигиндиси нолга тенг бўлиши керак. Лаплас күренишига ўтиб (илдизлар билан белгилаб) ва $P_1(t=0)=1, P_i(t=0)=0, i=1, 18$ деб фараз килиб, (4.31) тенгламалар тизимини алгебраик ечиш мумкин.

Унда тизимни бузилмай ишлаш эҳтимоллиги

$$P_1^*(S) = [(S + \mu_{1,2} + \mu_{1,16}) -$$

$$(\mu_1 * \mu_{1,2} * \mu_{1,16}) / ((S + \mu_{3,7} + \mu_{3,8} + \mu_{3,6} + \mu_{3,5}) + (S + \mu_{2,3} + \mu_{2,4}));$$

бунда, S -Лаплас оператори

$$\mu_A = (\mu_{7,1} * \mu_{3,7}) / (S + \mu_{7,1}) + \mu_{8,1} * \mu_{3,8} / (S + \mu_{8,1}) + (\mu_{11,1} * \mu_{10,11} * \mu_{9,10}) / ((S + \mu_{13,9}) * (S + \mu_{10,11}) * (S + \mu_{9,10})) * (\mu_{5,9} * \mu_{3,5}) / (S + \mu_{5,9} + \mu_{5,15}) + (\mu_{3,5} * \mu_{5,12} * (\mu_{13,9} * \mu_{2,13} + \mu_{12,9} * (\mu_{13,9} * (S + \mu_{12,9} + \mu_{12,19} * \mu_{12,14} + \mu_{12,17}) * (S + \mu_{6,9} + \mu_{5,12}))));$$

$$T_{yp} = P_1^*(S)|_{S=0} = [\mu_{1,2} + \mu_{1,16} -$$

$$(\mu_{2,3} * \mu_{2,4} * \mu_e) / (\mu_{8,7} + \mu_{8,8} + \mu_{3,5} + \mu_{3,6} + \mu_{3,15}) (\mu_{2,3} + \mu_{2,4})]^{-1};$$

бунда

$$\mu_e = \mu_{3,7} + \mu_{3,8} + (\mu_{5,9} * \mu_{3,5}) / (\mu_{5,9} + \mu_{5,12}) + (\mu_{3,5} * \mu_{5,12} * (\mu_{12,9} + \mu_{12,13}) / ((\mu_{12,9} + \mu_{12,13} * \mu_{12,14} + \mu_{12,17}) * (\mu_{5,7} + \mu_{5,12})));$$

4.4. ББХТларининг ишончлилигининг ярим Марков модели.

Ярим Марков жараёнларининг аппарат аналитик кўринишидаги бўлмаган ўтишлар туркумини ҳисобга олиш имконини беради. Масалалар учун ишончлилик назарияси катта аҳамиятга эга, чунки қурилмаларни тикланиш вақти ҳар доим ҳам кўрсатилган қонуниятдагидек тақсимланган бўлмайди.

Ишончлиликни анализ қилишда ярим Марков аппаратлари жараёнларидан фойдаланиш иккита асосий погонадан иборат. Биринчи погонада шартли эҳтимолликлар аниқланади $P_{ij}(t)$:

$$P_{ij}(t) = \prod_{k=1}^n [1 - F_{i,k}(t)] * f_{i,j}(t) dt, \quad (4.4.1)$$

i

$k=1$

$k \neq i, j$

бу ерда $F_{i,k}(t)$ =тасодифий фарқи i ҳолатдан j ҳолатга ўтишнинг тақсимланиш функцияси.

$f_{i,j}$ -тақсимланиш зичлиги.

Кейин [2,14] га мос ҳолда қўзгалмас эҳтимоллик (частотанинг) P_i топилади.

$$P_i = \sum_{j=1}^n P_j \times P_{ji} \quad (4.4.2);$$

агар

$$\sum_{j=1}^n P_j = 1 \text{ шарт бажарилса} \quad (4.4.3);$$

Иккинчи погонада m_i тизимнинг ҳар бир i ҳолатида бўладиган ўртача вақти аниқланади. Бу эҳтимолликка интеграл сифатида ифодаланади, қайсики тизим i ҳолатда t вақт мобайнинида бўлади.

$$m_i = \int_0^\infty [1 - F_{i,k}(t)] dt \quad (4.4.4).$$

Энди тизимнинг i ҳолатида бўлиш эҳтимолигини шу ҳолатда қанча вақт мобайнини ҳисобга олиб топилади.

$$q_i = m_i P_i / \sum_{j=1}^n m_j P_j \quad (i,j=1,n) \quad (4.4.5);$$


Энди мисолда шуни кўриб чиқамизки ярим Марков модели, бошқа моделга, тикланиш вакти кўрсаткич қонуни орқали тақсимланган моделга нисбатан натижанинг аниклигини анчага оширади.

Мисол. Асосий тизим билан бир турдаги иккита юкландиган захиралари тизимни кўриб чиқамиз. Тизим ости тизимининг интенсивлиги $\lambda=10^{-1}$ соат⁻¹ тикланиш қатъий вакт мобайнида $t_r=1$ соатда содир бўлади. 24-расмда тизимнинг ҳолатлари ва ўтишлари графиги тасвирланган. Тизимнинг ўтишлар эҳтимоллиги матрицаси кўйидаги кўринишда бўлади:

$$P = \begin{array}{|c|cccc|} \hline & 0 & 1 & 0 & 0 \\ \hline 0 & P_{21} & 0 & P_{23} & 0 \\ P_{31} & 0 & P_{32} & 0 & P_{34} \\ 0 & 0 & 0 & 1 & 0 \\ \hline \end{array}$$

бунда:

$$P_{21}=P_{32}=1-\int_0^{t_r} e^{-\lambda x_t} dt = e^{-\lambda x_{t_r}} = Z$$



24-расм. Иккита юкландиган захиралари ББХТларининг ўтишлар ва ҳолатлар графиги.

Тизимнинг t_r вактда 3(4) ҳолатга ўтишнинг эҳтимоллиги бўлмайди, бу эса қарама-қаршилик ҳолатларини эҳтимоллиги сифатида аниқланади.

$$P_{23}=P_{34}=1-e^{-\lambda x_{t_r}}=1-Z$$

Кўзгалмас эҳтимоллик ушбу тенглама орқали топилади:

$$P_1+P_2+P_2=0$$

$$P_1-P_2+P_{32}xP_3=0$$

$$P_{23}xP_2-P_3+P_4=0$$

$$P_{34}xP_3-P_4=0$$

$$P_1+P_2+P_3+P_4=1,$$

бундан

$$P_1=1/(1+1/e+1-z/z^2+(1-z)^2/z^2)=1/2-z^2/(z^2-z+1);$$

$$P_2=1/2-z/(z^2-z+1);$$

$$P_3=1/2-(1-z)/(z^2-z+1);$$

$$P_4=1/2-(1+z)^2/(z^2-z+1);$$

Кейин (4.4.4) формуладан:

$$m_1 = \int_0^{\infty} 1 - (1 - (1 - e^{-\lambda t})) dt = 1/\lambda$$

$$m_2 = m_3 = \int_0^{\infty} e^{-\lambda s t} dt = (1-z)^* 1/\lambda$$

$$m_4 = t_T$$

Унда (4.4.5) формула асосида тизим 1,2,3,4 ҳолатда бўлиш эҳтимоллиги:

$$q_1 = z^2/\eta$$

$$q_2 = z^*(1-z)/\eta$$

$$q_3 = (1-z)^2/\eta$$

$$q_4 = (1-z)^2 * t_T * \lambda / \eta$$

$$\text{бунда } \eta = 1 - z + z^2 + (1-z)^2 * t_T * \lambda$$

λ << μ ярим Марков моделинни ўрнига Марков моделидан фойдаланилганда католик 10% дан кам бўлади. Шундай қилиб юқорида келтирилган маълумотлардан куйидаги натижаларни оламиз. Ярим Марков модели учун:

$$q_1 = 0,8949$$

$$q_2 = 0,09416$$

$$q_3 = 0,009907$$

$$q_4 = 0,0009907$$

Марков модели учун;

$$q_1 = 0,90009$$

$$q_2 = 0,090009$$

$$q_3 = 0,0090009$$

$$q_4 = 0,0009009$$

Агар мисол учун $t_T = 1/\lambda = 1$, бўлса $z = e^{-1} = 0,368$,

$$q_1 = 0,116$$

$$q_2 = 0,200$$

$$q_3 = q_4 = 0,342$$

Агар, тизимнинг тикланиш вақтини кўрсатиш қонуни орқали тақсимланган деб ҳисобланса, унда $q_1 = q_2 = q_3 = q_4 = 0,25$. Бундан шундай хуоса келиб чиқадики, мураккаброқ ярим Марков моделинни натижанинг юқори аниқлиги талаб этиладиган ёки бузилиш интенсивлиги λ тикланиш интенсивлиги μга яқинлашганда кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу тур Соловьёвнинг [8,14] регенерация ҳолатлари учун яхим Марков жараёнларини асимптотик баҳолаш усулини олишни ҳам тасдиқлади. ББХТларида регенерация ҳолатининг (таъмирлашниш бошланиши) бошланиши олдинги таъмирлашдан кейин биринчи бузилиш содир бўлиши деб ҳисобланади. Таъмирлаш вақти одатда кейинги бузилиш содир бўлишининг ўртacha вақтидан анча кичик бўлади. Шу сабабли ББХТнинг бузилиш эҳтимоли q о.р. битта регенерация давридан -кичик катталиkdir. А.Д. Соловьев критерийси куйидаги кўринишда бўлади.

$$\alpha_c = Mx\xi^2 / (Mx\xi)^2 x q_{o.p.}$$

бу ерда, $Mx\xi^2$ – регенерация даврининг дисперсияси;

$Mx\xi$ - регенерация даврини математик кутиш (кичик катталик).

А.Д. Соловьев усулига кўра тизимнинг бузилиш эҳтимоллиги α_c хатоликдан катта бўлмаган кўрсаткич модели орқали аникланади.

4.5. Таъмирланадиган ва таъмирланмайдиган ББХТнинг ишончлилик модели.

4.3да келтирилган моделга қараб тизимни ишончлилигига тикланиш жараёни қандай таъсир этаёттанини кузатиш жуда кийин, шу сабабли [4,5]ларда комбинациялашган моделлар қизиқиши уйғотиши мумкин. Унда тизим компоненталарининг бузилиши ҳисобига секин аста содир бўладиган “деградация” жараёни ва автомат равишда тикланиш алоҳида ёзилган. ББХТларнинг таъмирланмайдиган модели тикланиш жараёнининг алоҳида поғоналарининг вақтингчалик боғлиқлигига асосланади. Бу ерда ББХТ бир турдаги тизим ости тизимларидан таркиб топган деб, фараз қилинади ва унинг интенсивлиги λ бўлиб, сирранувчан захирага эга. Муваффакиятсиз автомат тикланиш эҳтимоли q бўлганда тизим бузилиш ҳолатига ўтади. Ўтишлар ва ҳолатлар графиги курилади ҳамда унинг асосида дифференциал тенгламалар тизими тузилади.

Таъмирланмайдиган ҳисоблаш тизимларида эса бузилмай ишлашниш ўртacha вақтини топиш катта аҳамиятга эга. [14] да келтирилган мисолга кўра таъмирланмайдиган ББХТларида

бузилмай ишлашнинг ўртача вақти аниқланмаса, уни бутунлай автомат равишда тиклаш ($q=0$) ҳам кам самара беради. Агар $q \geq 0,3$ бўлса тизимнинг бузилмай ишланинг ўртача бузилиш вактини захиралаш йўли билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Бир турдаги таъмирланадиган ББХТнинг модели куйидагига асосла-нади. ББХТ бир турдаги λ ўртача бузилиш интенсивлигига эга бўлган тизим ости тизимларидан ташкил топган деб, тахмин қиласиз. Ҳолатлар сони ва ҳар бир турдаги бузилиш интенсивлиги юкорида кўрсатилганидай бўлади. q эҳтимолликка эга бўлган муваффақиятсиз автомат тикланиш ҳолида тизим бузилиш ҳолатига ўтади. Бундан ташқари аввалги тизим моделидан фарқли таъмирлаш интенсивлиги μ деб каралади. ББХТнинг интенсивлиги тизим ҳолатига боғлиқ эмас деб, тахмин қилинади. ББХТнинг бундай моделларида таъмирлашнинг вақти асосан захира тизим ости тизимларини олиб келиш вақти билан аниқланади. Кейинги бузилишга барқарорлик параметрларини ҳисоблаш 4.3га мос келади. Агар автомат тикланиш амалга оширилмаса, $q=1$ бўлса, тизимнинг бузилиш ҳолатида бўлиш эҳтимоллиги

$$Q = \lambda_0 / (\lambda_0 + \mu) \quad \text{бўлади}$$

ББХТнинг бузилишлар орасидаги ўртача ишлаш вақти

$$T_0 = \sum_{i=0}^{N-1} P_i / (q + \sum_{i=1}^{N-1} P_i x \lambda_i + P_{N-1} x \lambda_{N-1}) = (1-Q) / (\mu x Q) \quad \text{тeng.}$$

Шундай қилиб, таъмирланадиган ва таъмирланмайдиган ББХТлар ишонлилик моделини P_i ва T_0 кийматларини ҳисоблашда, автомат тикланиш воситаларини q бузилиш эҳтимоллигини топиш керак. Тизимнинг бузилиш кўрсаткичлари ўрнатилган қийматлари

$$w = 1/T_0 = \mu x Q / (1-Q)$$

Тизимнинг тайёргарлик коэффициентининг ўрнатилган қийматлари

$$K_t = 1 - Q$$

[14]да келтирилган мисоллардан кўринадики, таъмирланмайдиган ББХТларидан эфект кам, шунинг учун унинг ишончлилик кўрсаткичлари захираланмаган тизимга нисбатан унча яхши эмас. Шунга қарамай таъмирланадиган ББХТлари амалда бузилишга барқарор бўлиши мумкин. Лекин бунда муваффақиятсиз автоматик тикланиш q эҳтимоллиги кичик

катталик ($q < 0,1$) бўлиши керак. ёнг қиймати автомат тикланиш жараёнининг тавсифи сифатида аниқланиши мумкин. (6-бобга қаранг)

Синов саволлари ва топшириклар.

1. ББХТлари ишонлилик моделларига қўйиладиган асосий талабларни аниқланг.
2. ББХТларини ишончлилигини баҳолашда қандай масалаларини ечиш керак?
3. ББХТларининг ишончлилик модели ХТ ишончлилик моделидан қандай фарқ қиласди?
4. ББХТларнинг умумлаштирилган ишончлилик моделини (Авижанис модели) графлар ҳолатлари ва ўтишлари кўринишида тузинг?
5. ББХТларида ишончлилик моделида катъийлик критерийси деб, нима айтилади?
6. ББХТнинг нисбий самарадорлигини қандай баҳолаш мумкин?
7. 4.3да келтирилганларга кўра ББХТнинг ишончлилигини хисоблаш учун дифференциал тенгламалар тизимини тузинг?
8. Таъмиранадиган ББХТлари ишонлилик моделлари учун ёнг автомат тикланувчи воситаларини эҳтимоллик қийматини топинг?

5-боб. ББХТларини назорат ва диагностика

жараёниларининг модели

5.1 Назорат жараёни моделлари.

ББХТларини назорат қилиш воситалари аппарат, дастурий ва аралаш (аппарат-дастурий)ларга ажралади. Улар Зта асосий кўрсаткич билан тавсифланади: тўлиқ назорат, хатони топиш вақти ва мураккаблик.

ББХТларни назорат қилишни тўлиқлигини баҳолаш бузилишлар кисмидаги каби, уларни умумий сонини назорат қилиш натижасида топилади.

$$\alpha = \sum_{i \in M} \lambda_i x_{n_i} / \left(\sum_{i \in M} \lambda_i x_{n_i} \right)$$

бунда: M -назорат қилиш керак бўлган кўплаб элементлар;

M_k -тизим элеменларининг барчасини кўшилиги;
 n_i -и турдаги элементлар сони;

λ_i -и турдаги элементларнинг бузилиш интенсивлиги.

Баъзи ҳолларда назоратнинг тўлиқлиги назорат қилинаётган аппаратлар сонини, унинг тизимдаги умумий сонига нисбати сифатида ҳам ифодаланади

$$\alpha_i = n_i / \left(\sum_{i \in M} \lambda_i x_{n_i} \right)$$

Хатони топиш вақти (назорат вақти), хатолик содир бўлиш вақтидан то уни топишгача бўлган вақти оралиғи билан аникланади. Бунда хатони албатта топилади деб, шарҳланади.

Аппарат воситалари орқали назоратни ташкил қилишнинг мураккаблиги унинг ҳажми, ўлчамлари, нархи, истеъмол токи ва истеъмол қуввати билан тавсифланади.

Дастурий воситалар орқали назорат қилиш эса, дастурни бажариш учун керакли аппарат воситалари, дастурларни жойлаш учун хотира ва уни бажариш учун операцион қурилмалар кераклиги билан аникланади.

Аралаш назорат воситаларидан фойдаланишда, унинг мураккаблиги куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C = C_a + C_{al} * x_a + \sum_i C_{ai} x_i b_i;$$

бунда C_a -назорат аппарат воситаларининг мураккаблиги;

Cal-назорат дастурини бажарувчи операцион курилмаларнинг мураккаблиги;

а-назорат дастурини ташкил этиш учун кетадиган вакт кисмини аниқлаш коэффициенти;


Ca2i-назорат дастурини жойлаш учун қулланиладиган воситаларнинг, і хотира қурилмасининг мураккаблиги.

Ві-дастурий назорат воситаларини і-хотира қурилмаси билан алмашып кисмини аниқловчи коэффициент.

Санаб ўтилган воситалар ёрдамида ташкил этилган асосий назорат усулларини кўриб чикамиз.

5.1.1. Назоратнинг аттарат усули.

25-расмда такрорлаш (ўрин босиш) назорати келтирилган. Бу усулнинг маъноси шундаки, иккита бир хил операцион қурилма O_1 ва O_2 , бир хил берилган маълумотларни олиб синхрон тарзда ишлайди. Уларнинг бирортасида хатолик содир бўлса O_1 ва O_2 чиқишлардаги натижа бир биридан фарқ қиласди. Бу таққослаш қурилмасида (M_2) аниқланади ва хатолик ҳақида сигнал чиқаради.



25-расм. Такрорлаши назорат схемаси.

Такрорлаши назорат тўликлиги бирга яқинлашади. Хатони топилмай қолиши иккита сабабга кўра рўй бериши мумкин:

- 1) Агар O_1 ва O_2 қурилмаларда бир вақтда бир хил хатолик содир бўлса;
- 2) Агар таққослаш қурилмаси бузилса.

Содир бўлган хато топилмаслигининг эҳтимоллиги куйидагича аникланади:

$$Q_k = 1 - [1 - (\tau^* \sum_{i=1}^n \lambda_i^n) / (\sum_{i=1}^n \lambda_i)] * (1 - 1/2 * \tau_c * v) \approx \\ \approx [(\tau^* \sum_{i=1}^n \lambda_i) / (\tau^* \sum_{i=1}^n \lambda_i) + 1/2 * \tau_c * \lambda_c * v];$$

бунда τ -назорат қилинаётган курилманинг ишлари тақтини давомийли-ги;

π -назорат қилинаётган элементлар сони;

λ_i -назорат қилинаётган i -элементнинг бузилиш интенсивлиги;

τ_c -таққослаш курилмасининг иккита текширув оралиғидаги вакти;

λ_c -таққослаш курилмасининг бузилиш интенсивлиги;

v -назорат курилмасининг бузилиши таққослаш курилмасининг бузилганлиги натижасида бузилганлик ҳақида сигнал келмаслик эҳтимоллиги. $\tau_c * \lambda_c << 1$ ва $\tau * \lambda_i << 1$ деб таҳлил килинади.

Мисол.

$\tau = 10^{-6} \text{с}$, $\lambda_i = 10^{-6} \text{соят}^{-1}$ ($i = 1, n$), $\tau_c = 10 \text{ соат}$, $\lambda_c = 10^{-5} \text{соят}^{-1}$, $n = 10^3$;

Унда хатони топилмаслик шартининг эҳтимоллиги.

$$q_k = 10^{-6} * 1/3600 * (10^{-6} * 10^{-12}) / (10^9 * 10^{-6}) + 1/2 * 10 * 10^{-5} \approx 0.5 * 10^{-4};$$

Келтирилган мисолдан шуни кўриш мумкинки, хатони топилмаслик эҳтимоли, биринчидан- жуда оз, иккинчидан катта аҳамиятга эга эмас. Ушбу ҳолда назоратнинг тўлиқлиги

$$\alpha = 1 - q_k.$$

Такрорланадиган назоратда хатони топиш вакти учта ҳолат билан аникланади: бузилиш содир бўлган вактдан то назорат қилинаётган курилманинг бузилган элементига мурожаат этилгунча, бузилган элементга мурожаат вактидан курилма чиқишида хато сигнал чиқгунча ва таққослаш курилмаси ишлагунча бўлган вакт. Биринчи формулага эътибор бермай п элементидан ташкил топган курилмада хатони топишни куйидаги формула орқали хисоблаш мумкин:


$$\tau_{\text{об}} = \left(\sum_{i=1}^n \lambda_i * \tau_i * \eta_i \right) / \left(\sum_{i=1}^n \lambda_i * \eta_i \right) + \tau_{\text{cp}};$$

бунда τ_i -назорат қилинаётган қурилманинг і әлементи киришидан унинг чиқишигача бўлган сигнал ўтишини ўртача вақти; η_i -назорат қурилмаси, ишлашида i -әлементининг иштирокининг нисбий частотаси; τ_{cp} -такқослаш қурилмасининг ишлаш вақти.

η_i катталикни аниқлашда шуни ҳисобга олиш керак, бунда назорат қилинаётган қурилманинг киришига берилган сигналлар комбинациясига боғлиқ равишда қурилманинг бაъзи элементлари ушбу амаллар учун ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Шу сабабли улар ишлагандаги хатолик чиқишида кўринмайди, оддий қурилмалар учун τ_i , η_i қийматлари алоҳида ҳолатларни анализ қилиш йўли билан топилиши мумкин. Мураккаброқ қурилмалар учун эса имитация қилувчи ёки натурал моделлаштириш йўли билан аникланади. [14,23]. Юкорида келтирилган таққослашлар жойини алмаштирадиган ёки доимий бузилишлар ва узилишлар учун ҳаққонийдир.

Такрорланувчи назорат усулидан фойдаланишининг камчилиги бўлиб, унга кетадиган кўшимча аппаратлар ҳисобланади. Уни камайтириш мумкин, агар назоратни узлусиз олиб бормай вақти-вақти билан олиб борилса. Мисол учун, агар тизим бир турдаги операцион қурилмалардан ташкил топса, уларнинг биттаси ёки бир нечтаси вақти-вақти билан колган барча қурилмаларни назорат қилиши мумкин. Бунда “сирғанувчи” назоратга ўхшаш ходиса содир бўлади. Лекин бунда кўшимча коммутация қилувчи аппаратлар талаб этилади. “Сирғанувчи” такрорланувчи назоратнинг схемаси 26-расмда келтирилган, бу ерда 01...0N –операцион қурилма; K1...Km- назорат қилувчи қурилма. К коммутатор ёрдамида операцион қурилмага уланади. “Сирғанувчи” такрорланадиган назоратда назоратнинг тўлишлiği, худди тўлиш такрорланувчи назоратдагидек, лекин хатони топишининг ўртача ваёти ортади, чунки назорат ѕуримасининг навбатдаги уланиш вайтини кутиш керак бўлади.



26-расм. “Сирганувчи” такрорланадиган назорат схемаси.

“Сирганувчи” назоратнинг камчилиги шундаки, тўлиқ назорат, назорат қилинаётган қурилманинг доимий бузилиб турган ҳолидагина амалга оширилади. Кўп мартараб ўзини тикловчи бузилиш ҳолатларида ва кўпроқ узилиш ҳолларида назоратни тўликлити кескин камаяди, бунда $\alpha=m/n$ га яқинлашади, чунки ушбу қурилма назорат қилинмаётган оралиқ вактида содир бўлган узулишлар топилмай қолади. Кўрилган назорат воситаларининг асосий тавсифидан ташқари “ёлғон хавотир” келтириб чиқарувчи тавсифлар алоҳида эътибор касб этади. Бунда назорат қурилмаси хато содир бўлмаган ҳолда хато сигнал ишлаб чиқаради. Назорат қурилмасининг ёлғон сигнал ишлаб чиқариш интенсивлиги:

$$\lambda_e = \lambda_{ok} + (1-v) * \lambda_k;$$

бу ерда λ_{ok} -назорат учун қўлланилаётган такрорлаш қурилмасининг бузилиш интенсивлигининг йигиндиси; λ_k -такқослаш қурилмасининг бузилиш интенсивлигининг йигиндиси; $(1-v)$ таққослаш қурилмасининг бузилиши натижасида унинг чиқишида хато (ёлғон сигнал) чиқиш эҳтимоллиги.

ББХТларни махсус кодлар ёрдамида назорат қилишда, хотони топиш ва тузатиш кодлари катта аҳамиятга эга. Ахборот ўзгармайдиган қурилмаларида, саклаш қурилмалари ва ахборот узатишида бузилиш ва узилишга бардошли бўлиш учун

мұлжалланған. Бундай кодларни бутун ХТнинг бузилишга барқарорлигини таъминлаш учун ишлатиш хали мұваффакият келтирмаган.

5.1.2. Дастурий-мантикий назорат усули.

Назорат функциялари усули. Бу усул бажарылаёттан асosий функцияга ҳеч қандай күшімча функция күшмасдан ишлашга мұлжалланған бўлиб, мълум бир таққослашларни, назорат таққослашларининг охирги ҳисобини тўғрилигini текшириш имконини беради. Мисол учун, дифференциал тенгламалар тизимини ечишда уларни жамлаб күшімча дифференциал тенглама тузиш мумкин. У хатолик бўлмаган ҳолда, аввалгиси билан тўғри келиши керак. Агар татбиқ этилаётган алгоритмга кўра к бир-бирига таалукли бўлмаган функцияларни ҳисоблаш зарур бўлса, унда назорат қилиш мақсадида күшімча чизиқли комбинацион берилган функциялар кўринишида тенглама тузиш мумкин. Улар аниқ назорат тенгликларини қаноатлантириши керак бўлади.

Дастурий-мантикий назорат тавсифлари аниқ алгоритмларга боғлиқ ва ҳар бир ҳолат учун алоҳида аниклаци. Дастурий мантикий назоратнинг тўлиқлиги умумий ҳолат учун бирга яқинлашади, чунки амалда ҳар қандай хато назорат функцияси ёки тенглик туридаги тенгламанинг нотўғрилигига олиб келади. Фақат назорат қилинаётган ҳисоблаш жараёни тенг бўлмаса ёки назорат, берилган соҳанинг натижаларига таалуклилиги амалга оширилса, назорат қилиш тўлиқ бўлмайди. Назорат ҳисоблаш жараёнининг аввалдан ҳисобланган вактига ҳақиқий бажарилган вактини таққослаш орқали амалга оширилади(кўп ҳолларда, ҳисоблашлардаги хатолар ҳисоблаш жараёнини узоклашишига олиб келади, бу эса тўхташ, циклланиб қолиш билан шартланади). Шунинг учун у тўлиқ бўлмайди.

Шундай қилиб, умумий ҳолда назоратнинг тўлиқлиги.

$\alpha = \text{ext}(x_k^* \subset Mx \setminus x \subset Mx)$ бўлади.

Бунда, x_k^* -хатолик бор ҳолатдаги назорат кўрсаткичининг қиймати; Mx -назорат қилинаётган вектор ёки скаляр кўрсаткичларнинг кўплаб муҳим бўлган қийматлари; x -хатолик бўлмаган ҳолдаги назорат кўрсаткичининг қиймати.

Дастурий-мантикий назоратдан фойдаланиб хатони топиш вақти τ_{10} , дастурининг τ_n ёки модулнинг назорат қилинаётган нуқта чиқишидаги хато натижалар ҳосил бўлиш вақтлари, назорат функциялари $\tau_{n\phi}$ ва натижаларни таққослаш τ_{np} вақтларини кўшиш билан амалга оширилади.

Ушбу боғлиқликдаги алоҳида қўшилувчилар ўзига мос келувчи дастурлардан ўтиш орқали аникланади.

Дастурий-мантикий назоратнинг мураккаблиги шундаки, назоратни амалга ошириш учун операцион қурилманинг қисман иштирок этиши, дастур ёзилиши керак бўлган хотиранинг ҳажми (назорат функцияларини ташкил этиши учун мўлжалланган дастурлар) орқали аникланади. Операцион қурилманинг иштироки аппаратлар сони ва дастурнинг бажарилиш тезлиги билан аникланади. Умумий ҳолат учун

$$C = \sum_i C_i * V_i \text{ бўлади.}$$

Бу ерда C_i -аппаратнинг i қисмининг оғирлиги;

V_i -назорат функциясини бажарип учун аппаратлардан фойда-ланиш частотаси.

Тестли назорат.

Бу назорат тури ХТларини назорат қилишда кенг тарқалган. Тестли назоратнинг тўликлигини бирга яқинлаштириш мумкин. Бунда алоҳида тестлар сони биттали бузилишлар, назорат қурилмасидаги доимий нол ёки доимий бир турдаги бузилишлар

сонида кўп бўлмайди. Кўп ҳолларда эса ундаи кам бўлади. Тестли назорат вакти алоҳида тестларнинг давомийлиги ва уларнинг сони билан аникланади. Лекин тестли назорат ҳам камчиликларга зга: бузилишларни топишдаги кетадиган вактнинг катталиги; назоратни вакти-вакти билан олиб бориш; тестлаш вактида тизимнинг ишдан тўхташи ҳисобига самарадорликнинг пасайиши; тизим ишлаётган вактида тестлар ўтказилмаганилиги сабабли узилишларининг аникланмаслиги. Кўрсатилган камчиликлар туфайли ББХТларида тестли назоратни кўллашга кам зътибор берилади[8].

5.2. Техник жараёнларнинг диагностика жараёнлари моделлари.

ЭҲВлари аппаратларни техник диагностика қилишдан мақсад- модулнинг носоз блокини, бир турдаги элементни алмаштириш (БТЭА) ёки бошқа тизим ости тизимларидағи носозликларни жойлашган қисмини топиш ва автомат қайта куриш жараёнида ўша қисмни тизимдан ўчириш ҳамда таъмирлаш вактида уни алмаштиришдан иборат.

Диагностика воситалари, назорат воситалари каби аппарат дастурий ва аралаш бўлиши мумкин. Диагностика қилиш жараёни мураккаб бўлганилиги сабабли одатда дастурий воситалар кўлланилади. Диагностика қилиш биринчи навбатда диагностика тестларига асосланади, бу тестлаш носозлик аниклангандан кейин ўтказилади. Диагностикада мальум микдорда назорат воситалари ҳам иштирок этиши мумкин.

Диагностика воситаларининг асосий тавсифлари: диагностика қилишнинг чукурлиги, диагностика қилиш вакти ва мураккаблигидир.

Диагностика қилишнинг чукурлиги, диагностика қилиш натижасида бузилиш аникланган тизим ости тизимларининг ҳажми (элементлари сони) орқали аникланади. Тизим ости тизим

канча кичик бўлса, бузилган элемент жойлашган элементлар турудини кўрсаткичи аниқлиги катта бўлади ва диагностика қилишнинг чукурлиги (таъсир доираси) ката бўлади. Диагностика қилишнинг чукурлиги (таъсир доираси) оптимал ечимни топишдадир. Диагностика қилишнинг таъсир доираси кенгайиши бир томондан воситаларни мураккаблигини ортишига ва диагностика қилиш вақтини катталашшига олиб келади. Иккинчи томондан, тизимнинг автомат равида тикланиш эфектини оширади, бошқача айтганда, ўчириладиган аппаратларнинг кичик сонида, диагностика қилишнинг кичик таъсир доираси ХТни қайта куришда операцион курилмаларини кўпгина қисмини ўчиришга олиб келади, бу эса тизимнинг самарадорлигини пасайтиради[22].

Аналитик кўринишда тизимнинг ўртача самарадорлиги

$$\Pi = \sum_k \Pi_k(C_a, C_n, C_d, C_p) P_k(t), \quad \text{бўлади.}$$

бунда Π_k -к ҳолатда тизимнинг самарадорлиги;

$P_k(t)$ -т вақт мобайнинда тизимнинг k ҳолатда бўлиш эҳтимоллиги. Тикланиш воситаларини мураккаблик йиғиндиси

$C = Ca + Cn + Cd + Cp.$ бўлади.

бунда Ca -асосий воситаларининг мураккаблиги;

Cn -назорат воситаларининг мураккаблиги;

Cd -диагностика воситаларининг мураккаблиги;

Cp -реконфигурация (қайта куриш) воситаларининг мураккаблиги.

Диагностика қилишнинг учта асосий усули мавжуд: навбатма-навбат назорат, кўпликларни кесишиш усули, инкор қилувчи кўпликлар.

Навбатма-навбат назорат.

Бу усулга кўра тизимнинг элементлар кўплигини кесишмайдиган кўпликларга ажратиш ва тизим ости тизимларининг навбатма навбат ёки бир вақтда текшириш йўли билан бузилган элементи топилади. Бу усул катта вақт ва диагностика воситаларини талаб этади.

Кўпликларни кесиш усули.

.Бу усулнинг мазмуни шундаки, таркибида бузилган элементи бор M_{6y_3} элементлар кўплиги, M_i кўпликтининг кесишиши сифатида аникланади, бунда ҳар бир i текшириш натижасида бузилган элемент шуларнинг орасида бўлиши мумкин деганидир:

$$M_{6y_3} = \prod_i M_i$$

Инкор килувчи кўпликлар.

Бу усулдан фойдаланилган ҳолда M_{6y_3} кўпликлари қўйидаги формула орқали аникланади.

$$M_{6y_3} = \bigcup_j *M_i$$

бу ерда M -диагностика қилинаётган тизимнинг элементлар кўплиги; M_j -диагностика қилиш j амалини j натижасидаги аввалдан тўғри элементлар кўплиги.

Бир турдаги тизимда диагностика қилиш амалининг керакли сони, навбатма-навбат назорат қилишда

$$N_n = [||M|| / ||M_j||];$$

бунда $||M||$ -кўплигининг куввати.

Кўпликларни кесишишлар ёки инкор қилишлар усулларидан фойдаланилганда, текширишнинг ҳар бир амали, кўпликтининг кувватини камайтиради, шу сабабли керакли амаллар

$$N_p = \log[\|M_p\|/\|M_0\|]; \quad \text{бўлади.}$$

Бир турда бўлмаган тизимлар учун $\|M_p\| \neq \|M_0\|$ $i \neq j$ бўлганда, охирги баҳолаш яқинлаштирилган бўлади ва текширувлар сони кўпаяди.

Диагностика воситаларини аналитик ва иммитацион моделлаштириш-нинг асосий тавсифлари [25,27] да келтирилган.

5.2.1. Диагностика қилишнинг таъсир доираси(чукурлиги).

Диагностика қилишнинг таъсир доираси ҳар бир тест орқали текширилаётган тизим элементларининг M кўплиги орқали аниқланади. Кўп ҳолларда тестланётган объект икки кутбли йўналтирилган граф кўринишида қаралади (кириш ва чиқиш). Граф чўққилари тизимнинг алоҳида элементлари сифатида тасвирланади, ёйлар эса улар орасидаги боғланишлар бўлади. Ҳар бир тестга чиқиш чўққисидан киришгача сигнал ўтишнинг маълум йўли тўғри келади. Агар йўлга киравчи элементлар бузилган бўлса, у чиқиш сигналини ўзгариши орқали аниқланади. Бундан келиб чиқадики, бузилган элемент шу йўлга таалукли (M кўплигига). ББХТлари учун агар бузилган тизим ости тизими дарҳол четлаштирилса ва тизимнинг кейинги ишлапшида иштирок этмаса, ҳамда хатолик назорат натижасида аниқлансанса, диагностика қилишдан мақсад бузилган тизим ости тизимининг аниқлашдан иборат деб ҳисобланади. Четлаштирилган тизим ости тизими (ЧТОТ) деганда, ишлаш жараёнидан элементи бузилганлиги сабабли реконфигурация (қайта куриш) вактида узиб қўйилган тизим тушинилади. Тизимни диагностика қилишни кўрсатувчи граф, ЧТОТга мос келувчи граф бўлакларига ажратилган деб фараз қиласиз. Унда диагностика килувчи тестлар йигиндиси ёки кетма-кетлиги ҳар хил ЧТОТдаги бузилишларни топишга етарли бўлиши керак. Агар ҳар бир ЧТОТни носозлигини аниқлаш учун битта тест етарли бўлган бўлса, тестлар йигиндисининг етарлилигини аниқлашни соддалаштириш

мумкин. Лекин ЧТОТ мураккаб объект бўлиши мумкин (процессор ёки ХТ), у ҳолда айнан шу ЧТОТ носоз эканлигини аниклаш учун бир нечта оддий тестлар керак.

Тизимни ҳар бир ЧТОТни текшириш учун керакли бўлган четлаштириладиган (ўчириб кўйиладиган) тизим ости тизимлари ва тестлар сонига бўлиб чиқилган деб фараз қилайлик. У ҳолда керакли тестларниң умумий сонини уларни турдошлиқда бажара оладиган ишидан келиб чиқиб аникланди, яъни битта тест орқали бир нечта ЧТОТни текшириш имконияти бўлади. Идеал ҳолатларда бир турдаги МП учун битта тест етарли бўлади, бунда бузилган ЧТОТни топиш тест натижаларини анализ қилиш билан топилиди.

Амалда тестларниң максимал сони ҳар бир ЧТОТни текшириш учун керак бўладиган тестлар йигиндисига тенг бўлади. Бундан келиб чиқадики, бир турдаги тизим ости тизимларни кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки хотирада сакланадиган тестлар сони ҳамда натижаларни анализ қилиш воситаларини сони кескин камаяди. Замонавий ХТлари ўз таркибига кўплаб процессорларни қамраб олади ва уларни сони доимо ортмокда, шу сабабли ЧТОТ ни алоҳида процессор деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда процессорларни ўзаро текширувани ошириш мумкин. Бундай текширувларни ҳар хил усули мавжуд. Тизим t носоз процессорларни аниқ кўрсата олса, t -диагностика қилинувчи деб аталади. Алоҳида ҳоллардан ташқари, яъни битта умумий фактор асосида бир нечта процессорлар бир вактда бузилиш ҳолларидан ташқари. Бундай ҳолларда ушбу вакт бирлигига мос келувчи битта процессорниң бузилишини аниклади, чунки олдин бузилган процессорлар тизимдан узиб қўйилган бўлади. Шу сабабли ББХТда $t=1$ бўлади.

5.2.2. Диагностика тестининг давомийлиги.

Шартли тестлашда ҳар бир диагностика тести унинг ўтказилиши вақти τ_j билан аниқланади. Ҳар бир k носозликни бартарап этиш учун индекс тестларнинг M_k кўплиги талаб этилсин.

У ҳолда диагностика тестининг (диагностика қилувчи тестлар) ўртача вақти қуидаги формула орқали аниқланади.

$$T_y = \sum_{k=1}^N P_k * \sum_{j \in M_k} \tau_j;$$

бунда, N -содир бўлиши мумкин бўлган носозиклар сони;

P_k - k носозликни аниқлаш эҳтимоллиги.

Агар диагностика қилиш шартсиз тестлаш усулида ўтказилса, тестлар аввалдан белгиланган кетма-кетлик бўйича ўтказилади. Бунда тестлашнинг ўртача вақти қуидаги формула орқали аниқланади.

$$T_6 = \sum_{j \in M_k} \tau_j;$$

бунда, M -тест индексларнинг кўплиги, ҳар қандай ҳолларда ҳам носозликни бартарап этиш учун ўтказилади.

Охирги формула чизикли бўлмаган тамойилдаги ва носозлик барча тестлар натижалари орқали бартарап этиладиган тестларга тааллуқли. Агар диагностика қилиш навбатма-навбат текширишга олиб келинса, у ҳолда тестлаш тенгсизлик қуидаги формула орқали ифодаланади

$$T_6 < \sum_{j \in M_k} \tau_j;$$

Лекин бунда тестларни кўплаб сони талаб этилади, мисол учун агар тизимда 1024 элемент бўлса ҳар бир элементни тестлаш учун 1024тадан кам бўлмаган тестлар талаб этилади. Чизикли бўлмаган тестлаш ҳаммаси $N=\log_2 1024$ тест бўлади.

Синов саволлари ва топшириқлар.

1. ББХТни диагностика қилувчи ва назорат моделлари жараёнларининг тавсифи ва кўрсаткичларини аникланг?;
2. ББХТни тақрорловчи назоратини мазмуни нимада?;
3. Тақрорловчи назоратда хатони топиш вақти қандай аникланади?;
4. Тақрорловчи назоратли “сиранувчи” схема структурасини чизинг?;
5. Назорат функциялари усули қандай?;
6. Тиклаш воситаларини мураккаблигини аниклайдиган тенгламани тузинг?;
7. ББХТларни кетма-кет назорат усули бошқа назорат усулидан қандай фарқ қиласи?;
8. ББХТнинг диагностика чуқурлиги (тўлалиги) нима билан аникланади?;
9. Нима учун ҳисоблаш тизимларида тестли назорат кенг тарқалган?;

6-боб. Реконфигурация жараёnlари ва бузилишдан кейинги тиклаш.

6.1 Жараёnlар тавсифи.

Реконфигурация жараёни куйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади: реконфигурация қилиш воситаларининг мураккаблиги, реконфигурация вақти ва реконфигурациядан кейин самарадорликнинг пасайиши.

Реконфигурация воситаларининг мураккаблиги, воситаларнинг ўтишдаги С.с.п. мураккаблиги билан изоҳланади. Улар реконконфигурацияни амалга ошириш учун маҳсус мўлжалланган ва реконфигурация жараёнига кетказилган С.с.с тизим воситаларининг K_p вақт мобайнида ҳисобга олинган мураккаблиги.

Реконфигурация воситаларининг мураккаблиги аналитик кўринишида куйидагича бўлади:

$$C.c.p = C.c.n + C.c.c * K_p;$$

Реконфигурация вақти T_p одатда катта эмас у тизимда содир бўлган ҳолатларни анализ қилиш вақти $T.a.c$, реконфигурация қилиш усулини танлаш $T.p.r$ ва ўтиш T_b орқали аниқланади.

$$T_p = T.a.c + T.p.r + T_b;$$

Реконфигурациядан кейин самарадорлик пасайиши ву реконфигурациядан кейинги тизимнинг самарадорлигини берилган самарадорликка нисбати сифатида қараш мумкин. Бошқача айтганда тизимда носозлик йўклиги вақтидаги самарадорликдир. Худди шундай кўрсаткичлар билан реконфигурациядан кейин ахборотни тиклаш жараёни тавсифланади, уни амалга ошириш учун йўқолган ахборотни ёзилган ўхшаш мосламасини топиш лозим. Ахборотларни тиклаш

воситаларининг мураккаблиги Сс.н. ТХҚсида Kg эгаллайдиган ҳажмини ҳам хисобга олиниди. Бу ахборотларни тақрорлаш учун керак бўлади. Кий ахборотни тиклаш учун керакли вақт кисмидир.

Аналитик кўринишда кўйидагидир:

$$Cc.k = Cz.y + Kg + Cc.c * Kj;$$

Ахборотларни тиклаши вақти Тт.в кўйидагиларни кўшиш орқали топилади, тақрорловчи ахборотни қидириш вақти, ушбу ахборотни керакли процессорга узатиш вақти. Тп.п ва бажариладиган амалга яқин бажариладиган назорат нуктасидан бошлиб, хисобни қайтариш Тп.в. вақти, бунда хато содир бўлганда натижага нотўғри чиқади:

$$Tt.v = Tp.p + Tp.p + Tp.v;$$

6.2 Тизимдаги ҳолатларни анализи ва ечим қабул килиши.


Тизимнинг хатолигини анализ қилиш ва ечим қабул килишнинг асосий вазифаси, четлаштирилган (ўчириб кўйилган) бузилган тизим ости тизимини аниклаш, бузилган ЧТОТни ўчириб кўйилганда тизимнинг ишлашини ташкил этиш. Вариантларни таққослаш ва шу тизим учун энг яхши вариантни таънишадир. Умумий ҳолда ББХТларни ишлами кўйидаги схема бўйича амалга оширилади: тизимнинг битта процессори (ёки процессслар грухси) ташкил манбадан вазифа олади, уни кисман ишлайди ва ишловни давом эттириш учун кейинги процессорга узатади, кейинги процессор ҳам худди шундай ишлов бериб кейингисига узатади ва бу ишлов охирги процессоргача давом этади. Ишлашни бундай ташкил этишда ҳар бир процессор тизим ҳолати ҳакидаги маълумотларга эга бўлиши ва заҳиралар жадвалига эга бўлишлари керак. Заҳиралар жадвалини вақти-вақти билан аникланиб боради ёки тизим ҳолатида ўзгаришлар бўлишлар билан аниклаштирилади.

Бунинг учун “мен тирикман” деб маълумот берувчи усулни қўллаган маъқул, бунда тўғри ишлатган процессор маълумот бериб туради ва нотўғри ишлаганда (бузилганда) маълумот бериш тўхтайди. Қўйилган масалани ечишда вазифа процессорлараро қандайдир оптимал даражада тақсимланган бўлиши мумкин. Бу вазифа кириш процессорида вазифани тушишига қараб ёки содда алгоритм бўйича тақсимланади. Мисол учун, навбатдаги вазифа навбатдаги процессорга узатилиши учун у бузилмаган ва ҳеч қандай вазифа бажармаётган бўлиши керак. Бу усуулардан бирини танлаш самараадорликка боғлиқ бўлиб содда алгоритмли масалаларни ечишга кетган вақтни таққослаш йўли билан аникланади.

Бундай схема асосида ишлашда реконфигурация муаммолари умумий ахборотларни кўппроцессорли параллел ишловни амалга ошириш вақтида ечилади, бунда вазифани таққослаш масаласида бузилган процессор амалда банд (вазифа бажараётган) процессорга тенглаштирилади. Шуни қайд этиш керакки, тизимни бундай ишланини ташкил этишда вазифани бажарилиш вақтини ҳам ҳисобга олиб бориш осон. Вазифани бажарилиши мўлжалланган вақти билан уни бажарилиш вақтини таққослаш уни назорат қилишни таъминлайди. Ҳар бир і холат учун P_i , тизимнинг самараадорлигини аникроқ баҳолашни ҳажмли хизмат кўрсатиш усули ёки иммитацион моделлаштириш йўли ёрдамида олиш мумкин. Ушбу усууларни қўлланилиши шундай ҳодисаларни ва тўғри ишлатган тизимлар самараадорлигини баҳолаш учун ҳам шундай бўлади.[4,14]. Тизимнинг самараадорлиги

$$P = \sum P_i * R_i \text{ бўлади.}$$

Бунда R_i –іхолатни содир бўлиш эҳтимоллиги.



27- расм. Ишлани тармоқли ташкил этилган ББХТ.

Мисол. Содда мисол сифатида 27-расмда келтирилган тармоқли ташкил этилган ББХТнинг самарадорлигини баҳолашни кўриб чиқамиз. Тахмин қиласиз, чап томондаги граф чўққиларига (штрихланган) мос келувчи ЭХМ В1 ни киритиш курилмасига эга бўлсин, ўнг томондаги чўққиларига мос келувчи ЭХМ эса В2 чиқиш курилмасига эга бўлсин. Графнинг ёйлари ЭХМлар орасидаги ахборот узатишга лаёқатли боғланишини кўрсатади. 5-жадвалда тизимнинг бўлиши мумкин бўлган ҳолатлари, уларни содир бўлиш эҳтимоллиги ва самарадорлигига мос қийматлар келтирилган.

Тахмин қилинадики, ҳар бир ХМнинг самарадорлиги 1га тенг ЭХМ 1 ва 2 ҳолатда 3 ва 4 иккига тенг самарадорликка эга бўлган конвейр режимда ишлайди. Конвейрлар 1,2,3,4 паралел ҳамда иккilanган самарадорлик билан ишлайди.

Тизимнинг ҳар бир элементлари бузилмай ишлаш эҳтимоллиги Р=0,9 ЭХМ 1,2,3,4 ни киритилганда ҳамда 1-2,3-4лар орасидаги узатишлар. Бунда киритиш чиқариш курилмаси бузилмай ишлайдиган ҳисобланади.

5-жадвал.

Тизимнинг ҳолати	Pі ҳолат эҳтимоллиги	Самарадорлик, П
Бузилмай ишлаш	$0,9^6=0,5314$	4
Юкори тизим ости тизимининг бузилиши	$(1-0,9^3)*0,9^3=0,1976$	2
Пастки тизим ости тизимининг бузилиши	$(1-0,9^3)*0,9^3=0,1976$	1
Тизимнинг бузилиши	$(1-0,9^6)=0,07344$	0

(6.3.1) формулага кўра тизимнинг ўртача самарадорлиги қуидаги кўринишида бўлади.

$$P=4*0,5314+2*2*0,1976=2,916.$$

6.3. Бузилишлари хисобга олинган тизимларнинг самарадорлиги.

Бузилишлари хисобга олинган тизимларнинг самарадорлитини баҳолашни, солдароқ қилиб ишга лаёқатли процессорларнинг ишлаш самарадорлитини жамлаш деб қараш мумкин. У ҳолда самарадорликни пасайиш даражасини аниклашда, ишга лаёқатли процессорлар самарадорлигининг йигиндисини, тизимнинг барча процессорлари самарадорлиги йигиндисига нисбати деб қараш мумкин. Лекин бундай баҳолаш аниқ бўлолмайди, чунки тизимнинг самарадорлиги кўп ҳолларда унинг таркибиға кирувчи процессорларнинг самарадорлигининг йигиндисидан кичик бўлади.

Бошقا томондан эса, алоҳида процессорларнинг бузилиши ёки тизимнинг қисмларини бузилиши, процессорларни ўзаро алоқасини бузилишига олиб келади. Шу сабабли тизимнинг баъзи қисмларидан чекланган мурожаат имкониятида ёки чекланмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлмай қолади.

Бу ҳолатни моделлаптириш учун тизимнинг структурасини графлар кўринишида тасвиirlаймиз, унинг чўққилари бўлиб тизимнинг функционал қисмлари (процессорлар, хотира курилмалари, киритиш чиқариш курилмалари ва бошқалар) хизмат қилади, ёйлари бўлиб эса улар орасидаги боғланишлар хисобланади. Агар алоҳида курилмаларнинг самарадорлигини ўтказиш қобилияти деб қаралса, у ҳолда тармоқнинг самарадорлигини маълум алгоритмга асосан кириш курилмасининг чиқиш курилмасига ахборот ўтказиш қобилиятини баҳолаш деб қараш мумкин[4]. Лекин масалага бундай ёндошиш алоҳида процессорларда ишланадиган масалаларни қисмларга ажратиш имкониятини хисобга олмайди, ҳамда навбатлар содир бўлиши ва буфер XК ҳажми ҳам хисобга олинмайди.

6.4. ББХТни автомат равишда тикланиши жараёнининг модели.

Хисоблаш тизимларида автомат равища тикланиш янги йўналиш бўлиб, у ББХТларни юқори даражадаги ишончлилигига, тайёрлигига ва бузилишига барқарорлигига [14,20,28,31] бағишланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ББХТларини куришдаги кийинчиликлар кўрсатилган.

Ҳақиқий ББХТларида қўлланиладиган, мумкин бўлган тикланиш жараёнларини ўзига олган баъзи ББХТларидаги тикланиш жараёнларини кўриб чиқамиз. Бундан ташкари тизимда содир бўлган $S=\{S_1, S_2, \dots, S_{14}\}$ орқали ифодаланган ҳолатларни кўриб чиқамиз. ББХТда содир бўлган хатолик (S_1) аппарат назорат воситалари (S_2) орқали аниқланиши ёки дастурий назорат воситалари (S_3) орқали аниқланиши мумкин. Баъзи ҳолларда топилмаслиги ҳам мумкин, бундай ҳолларда тизимда бузилиш (S_4) содир бўлади.

Агар тизимда пассив бузилишга барқарорлак воситалари қўлланилган бўлса, хатолик никобланиши (S_5) ҳам мумкин. Бундай ҳолларда хисоблаш жараёни ушланишсиз (S_6) давом этиши мумкин. Кўп ҳолларда хатони аппарат назорат воситалари орқали топишда, амални чекланган сон марта қайта бажариш амалга оширилади.

Агар қайта ишлаш муваффакиятли бўлса (S_7) ёки узилиш содир бўлган бўлиб, амални қайта бажариш натижасида у бартараф этилган бўлса, хисоблаш жараёни давом эттирилади.

